VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

25 (34) 2009 йил 17 июнь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси


www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



Йил дастури ижросини таъминлаш

Навбаҳор туманида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят ва шаҳар кенгашлари, вилоят Маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

→ 3-бет



Автомобиль йўллари соҳасини бошқариш тизими

иқтисодиётнинг ўсиши ва аҳоли турмуш даражасининг юксалишида роли катта

→ 6-бет



Эл ардоғидаги ҳунармандлар

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1997 йил 31 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожи учун кенг имконият яратди.

→ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
Ёшларни ташаббусга чорлаш, эзгу ишлар сари бирлаштириш
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Миллат руҳининг кўзгуси
Орол дарди ҳаммамизнинг дардимиз
Йўлланмани қўлга киритди
Балли қизлар
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Архивлар ҳаёт кўзгуси
Фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Янграр Шарқ тароналари
Самарқандга саёҳат
ЖАРАЁН 6-бет
Таъмирталаб маскан
Ахборот асри билан ҳамнафас
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Ўзини-ўзи маҳв этиш қуроли
Дунёдан дараклар
НИГОҲ 8-бет
"Ниҳол" ўз эгаларини топмоқда
Турфа олам

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА









С.ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х.Дўстмуҳамедов олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддаси ва "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқаруви органи Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳисобланади. Айтиш керакки, мазкур қонунларда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек бошқарув органларининг кучлар ва воситаларнинг фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёр бўлишини ташкил этиш ҳам вазирликнинг вазифаларига киритилган.

Амалдаги қонунлар ўрганилганда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида турли ҳуқуқбузарликлар, масалан табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария-санитария, ёнғин хавфсизлиги ва экология соҳасидаги қоидаларни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи боб ва моддалар мавжуд.

(Давоми 2-бетда)

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Етакчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш

ЎзМТДП олдида турган муҳим вазифа

Бухорода партия "Ёшлар қаноти" етакчиларининг сиёсий билим ва малакаларини, уларнинг ёшлар қатлами орасидаги фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган икки кунлик минтақавий семинар-тренинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти"нинг Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари кенгашларидаги етакчилари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоятлар минтақавий ахборот-таҳлил марказлари вакиллари, эскпертлар ҳамда сиёсатчи олимлар иштирок этишди.

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Семинар-ўқувларнинг асосий мақсади партия ёш фаоллари ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, улар фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш, ёшлар орасида партия ғоялари тарғиботини янада кучайтириш юзасидан вазифаларни белгилаб олиш, "Ёшлар қаноти" етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишдан иборатдир.

Ўқув давомида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялар фаолияти ва сайлов тизимига доир амалдаги қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви тузилиши, Фуқаролик жамияти институтларининг жамиятдаги ўрни ва фаолияти шакллари, сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий ривожланишидаги ўрни ва роли ҳамда ёшларга оид сиёсати ва устувор йўналишлари каби мавзуларда зарур билим ва кўникмалар берилди. Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, партия фаолиятида ёшлар қатлами билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари, улар билан иш олиб боришнинг самарали усулларидан фойдаланиш сингари маърузаларнинг интерфаол шаклда ўқитилганлиги ҳамда машғулотларнинг гуруҳларда ишлаш услубларига асосланган ҳолда етук мутахассислар томонидан олиб борилганлиги семинар қатнашчиларининг диққатини ўзига жалб этди.

Айтиш жоизки бу каби семинар-тренинглар партия, "Ёшлар қаноти" етакчиларининг доимий равишда билим ва малакаларини ошириб бориш, замон руҳига мос равишда партия тузилмаларининг ёшлар орасидаги фаолиятини такомиллаштириш, тарғибот ишларида янгича усул ва имкониятлардан унумли фойдаланиш имконини бермоқда.

(Давоми 3-бетда)

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Пойтахт миллий либослари

Азим Тошкентимизнинг 2200 йиллик тўйи олдидан оммавий ахборот воситаларида шаҳар тарихи, маданияти, ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида қатор мақолалар эълон қилинмоқда. Қуйида қадимий Шош тарихи ва халқининг маънавий-маданий ҳамда ижтимоий ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган — шаҳар аҳолисининг миллий-анъанавий либослари ҳақида сўз юритишга қарор қилдик.

Акобир САЙИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Ўтган кунлар" романидаги миллий руҳиятимиз бетакрор образларда ифодаланган сатрларни эслайлик: *"Ўзбек ойим тўйга борадирғон хотинлардек ясанған, эгнига одими хон атлас кўйнак, бошида оқ шоҳи дакана, кўзида сурма эди..."*. Тасвирлар онгимизга қуйилиб кираркан, кўз ўнгимизда ҳақиқий ўзбек аёли гавдаланади. Зеро, либослар миллат маънавиятининг зоҳирий қиёфаси бўлиб, бу халқимиз маънавияти азалдан ўзига хослиги билан ажралиб турганлигини англатади. Жумладан, XVI аср охири ва XX аср бошларида Тошкент шаҳрида урф бўлган либослар, зеб-зийнатларга назар ташласак бунга гувоҳ бўламиз.

Тўғри, Тошкентнинг миллий-анъанавий либослари шаклланишида қўшни вилоят ва давлатларнинг ҳам таъсири сезилган. Бу эса унинг асосий жиҳатлари, хусусиятларининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Умуман олганда, ушбу даврга оид миллий-анъанавий либос намуналари аҳоли табақаларининг ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб, бир неча гуруҳларга бўлинган.

(Давоми 5-бетда)

унда маънавиятимиз ва урф-одатларимизнинг ўзига хос хусусиятлари жамланган



Диққат обуна!
«Milliy tiklanish» газетасига 2009 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда.
Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.
Индекс: 152

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фракция йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бироқ аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик ушбу Кодексда назарда тутилмаганлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритишга зарурат пайдо бўлди. Йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида ушбу масала депутатлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Депутатлар ташаббускор гуруҳи томонидан мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда тегишли вазирликлар ва идоралар, жумладан Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтига мурожаат қилиниб, улардан лойиҳани биринчи ўқишга тайёрлашда керакли фикр ва мулоҳазалар олинди.

Республикамиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар талабларини бажарилишини амалда таъминлаш мақсадида тақдим этилаётган қонун лойиҳаси аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар талабларини бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча сифатида киритилиши мақсадга мувофиқ бўлган жавобгарликни назарда тутади.

Муҳокама якунида билдирилган таклиф ва тавсиялар эътиборга олиниб, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

Шунингдек, депутатлар Қонунчилик палатаси йиғилиши муҳокамасига биринчи ўқишда киритилиши назарда тутилаётган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

- Ушбу қонун лойиҳаси, - деди масала юзасидан тушунтириш берган Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Собир Турсунов, - Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ва 1999 йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонунларига мувофиқ бошқа қонун ҳужжатларидаги атамаларни мазкур қонунларда қўлланилган атамалар билан бир хил ҳолга келтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Жумладан, қонун лойиҳасига биноан "муддатли хизмат" деган сўзларни "муддатли ҳарбий хизмат" деган сўзлар билан алмаштириш назарда тутилмоқда. Мазкур ўзгартиш "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида "муддатли ҳарбий хизмат"га берилган тушунчадан келиб чиқади. Шундай ўзгартишларни "Мудофаа тўғрисида"ги Қонун, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекс, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Меҳнат кодекси, Жиноят-ижроия кодекси ва Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритиш таклиф этилмоқда.

"Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда депутатлар томонидан кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, фракциялари ҳамда ялпи йиғилишида муҳокама қилинган эди. Ишчи гуруҳи томонидан тушган таклифлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда иккинчи ўқишга тайёрланган таҳрири фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди ва таклиф, мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, йиғилишда яна бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Йиғилиш сўнгида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ФОРУМ

Анънана тусини олган ва ёшларнинг дўстлашув, фикрлашув анжуманига айланиб улгурган "Баркамол ёшлар-обод Ватан келажаги" минтақавий форуми бу гал кўҳна Хоразм воҳасининг Урганч шаҳрида бўлиб ўтди.



Ёшларни ташаббусга чорлаш, эзгу ишлар сари бирлаштириш

минтақавий форумнинг мақсадига айланган

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Форум бу сафар ўзгача руҳ ва кўриниш касб этиб, ҳақиқий маънода ёшлик, гўзаллик шодиёнасига айланди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари, қўшни Қорақалпоғистон Республикасидан келган партиянинг фаол ёшлари, партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, партия вилоят кенгаши аъзолари, вилоятдаги олий таълим муассасалари талабалари, маънавият тарғибот маркази ва ИИБ ходимлари иштирок этдилар.

Хоразм тарихий минораю обидалар билангина эмас, балки воҳага хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, санъат ва ҳунармандчиликнинг ноёб намуналари билан ажралиб туради. Улар жозибадорлиги, бетакрорлиги, машҳурлиги билан киши эътиборини ўзига тортади. Форумнинг дастлабки қисми вилоят ёш тадбиркорлар ва ҳунармандларининг ишлаб чиқарган ва яратаётган маҳсулотларининг намойиши билан бошланиши ҳам ана шу боқий анъаналарга ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин бир тимсолидир. Кўргазмани томоша қилган қатнашчилар ва меҳмонлар вилоятнинг қўлигул усталари томонидан яратилган маҳсулотларни томоша қилар эканлар, бу ҳақиқатга яна бир бора амин бўлгани шубҳасиз.

— Мана бу идиш лойдан ясалиб, бабё деб аталади ва унга асосан қуюқ овқатлар солинади. Ундан ҳар бир хоразм оиласи кундалик турмушида кенг фойдаланади, - дейди кўргазмада иштирок этган Янгиариқ тумани, кулолчилик бўйича уй-ижодий устахонаси кулоли Самад Отажонов. — Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, таомни анча пайтгача совутмай, узоқ вақт яхши сақлайди. Айниқса, бундан халқимизнинг севимли таоми бўлган паловни сузишда кенг фойдаланилади.

Кўргазмадан сўнг форумнинг асосий қисми бошланди. Уни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Бахтиёр Ибрагимов очди ва форумнинг мазмун-моҳияти, унинг мақсади билан иштирокчиларни таништирди. Шундан сўнг сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари А.Эшмуродов, У.Жалменов, У.Исмоилов, вилоят прокурори ёрдамчиси М.Искандаров, вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Тожибоев, вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари Ш.Норбоев мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишларга кенг тўхталдилар. Жумладан, партия ёшлар сиёсатида йигит-қизларнинг ижодий ва илмий салоҳиятларини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига кенг йўл очиш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, улар ўртасида жиноятчилик, турли оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар нотиқлар эътиборидан четда қолмади.

— Давр қанчалик ўзгариб, тараққиёт шиддат билан одимламасин, бир масала борки, ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди, балки янада долзарблик касб этиб боради. Бу маънавият масаласидир,-деди глобаллашув жараёнида ёшлар маънавияти хусусида фикр юритган вилоят маънавият ва маърифат маркази раҳбари Гавҳар Ибодуллаева. — Бугун ахборот хуружи ва "оммавий маданият" таҳдидининг кишилар онгига таъсири кучаяётган бир даврда уларга қарши курашда ёшларни бирдамликка, ҳамкорликка чорловчи тадбирларнинг аҳамияти катта. Аминманки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказилган мазкур форум уларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятининг янада юксалишига, эл-юртга хизмат қиладиган фидойи фарзандлар бўлиб камол топишига, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилибгина қолмай, ёшларнинг бу мақсад йўлидаги ҳаракатларини қатъийлаштиради.

— Фикрингизга қўшиламан,- дея мулоқотга қўшилди ЎзМТДП Хонқа туман кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари Фазилат Матназарова. — ЎзМТДП вилоят кенгаши ўз атрофига 17 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган бўлса, уларнинг 10 минг нафардан ортиғи ёшлардан иборат. Мамлакатимизда биз ёшларга яратилган шароит ва берилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда вилоят ёшларининг қизиқишлари, интилишлари ва муаммоларини эътиборга олиб, аниқ йўналишдаги чора-тадбирлар ишлаб чиқишга эътибор қаратяпмиз. Партия аъзолари бўлган хоразмлик ёшлар фаолиятининг асосий мезони қилиб аҳоли қалбида халқимизнинг миллий қадриятлари, урф –одатларини асраб-авайлаш, миллий ўзликни англаш ҳиссини уйғотиш каби вазифаларни белгилаган. Бу мақсадларни эса турли маънавий-маърифий тадбирлар орқали амалга оширамиз. ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур форумлар ҳам партиянинг ёшларга оид сиёсатини кенг кўламда амалга оширишга, аъзолари сафини иқтидорли ёшлар билан кенгайтиришга пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

— Биз ватанпарварлик туйғуси ҳақида кўп гапирамиз. Бу туйғу ёшлар қалбида, фаолиятида қай даражада акс этади ва уни қайси йўллар билан бойитиш керак, деган савол ҳамиша олдимизда кўндаланг туради. Партия "Ёшлар қаноти"нинг барча даражадаги бўғинларида олиб бориладиган маънавий- маърифий ёки сиёсий тадбирлар, ёхуд тарғибот-ташвиқот ишларини юритиш бўладими, уларда бош мавзу сифатида ватанпарварлик, яратувчанлик ҳисси билан яшаш каби тушунчалар мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳар доим зарур ва керак деб ўйлайман. Режага асосан ЎзМТДП томонидан барча вилоятларда ўтказилаётган "Баркамол авлод-обод Ватан келажаги" шиори остидаги минтақавий форум бу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлмоқда, десак хато бўлмайди. Форумга турли вилоятларда истиқомат қилувчи юзлаб ёшлар жалб этилаётгани наинки партия ғояларининг тарғибот-ташвиқотига, шу билан биргаликда ватанпарварлик ҳиссининг юксалишига ҳам туртки бўлмоқда дейиш мумкин,- деди ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси девони Ёшлар масалалари бўлими етакчи мутахассиси Ҳамдам Ниёзов.

Форумда йиғилганларга партиянинг дастурий ғоя ва вазифалари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар юзасидан фикрлар алмашилди. Унда илм-фан, спорт, адабиёт ва санъат соҳаларида кўплаб ютуқларни қўлга киритаётган вилоятдаги фаол ёшлар партия томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Воҳа санъаткорлари ва спортчиларининг чиқишлари кечага ўзгача шукуҳ бахш этди. Унда Ватанга муҳаббат ва садоқат, меҳр-оқибат, ёшлик, эзгуликка интилиш тушунчаларини ифодаловчи гўзал куй-қўшиқлар ижро этилди. Форум ниҳоясида иштирокчилар қадимий ва навқирон Хива шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Партия Дастурида белгиланганидек: "Мақсадимиз – Ўзбекистон фуқароси онгида ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун фахрланиш туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш!" экан, мазкур анжуман бу эзгу мақсадларнинг амалий ифодасига қанот бахш этади. Форумдан кўзланган натижа ҳам мамлакат ёшларини ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсати билан таништириш, уларни сафимизга кенгроқ жалб этиш, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборатдир. Чунки бу каби анжуманларда юзма-юз, самимий, жонли мулоқот ўтказилиб, ёшлар масаласида эришилаётган ютуқлар билан бирга уларни ўйлантираётган муаммолар, қизиқтираётган саволларни чуқур таҳлил қилиш имкони туғилади. Бу каби саъй-ҳаракатлар эса пировардида партиянинг ёшларга тааллуқли дастурий вазифаларини ҳаётга тўлалигича татбиқ этишга олиб келади.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Бугуннинг энг долзарб масалалари

тадбирларда бош мавзуга айланди

Кумри НАЖИМОВА,
Нигора МИРСОДИҚОВА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамкорликда Мирзо Улуғбек туман кенгаши туман Маънавият тарғибот бўлими билан Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежида Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини атрофлича ўрганиш ҳамда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг асосий йўналишларига бағишланган тадбир ўтказди. Унда туман ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходимлари, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари, мутахассислар ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Йиғилишда сўзга чиққан шаҳар Адлия бошқармаси масъул ходими А.Бердиев инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатиш чоралари бўйича чоп этилган Президентимиз асарининг мазмун-моҳиятини тушунтириб берди. Маърузада ушбу китобнинг бугунги кундаги аҳамияти ва ундаги ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий хулосалар, инқирозга қарши чоралар ва уни қўллаш механизмлари, шунингдек, инқироздан сўнг янада кучли, барқарор, мутаносиблашган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни яратиш имконини берувчи йўл-йўриқларни амалга оширишда олдимизда турган вазифалар ҳам эътибордан четда қолмади.

- 2009 йилда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим устувор вазифалардан бири қишлоқда аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштиришдир, - деди кун тартибидаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан маъруза қилган Ирригация ва мелиорация институти ўқитувчиси Абдумалик Ибрагимов.

Иштирокчиларнинг масала юзасидан берган саволлари тадбирни янада самарали ўтишига сабаб бўлди.

* * *

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши ҳамда "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан туман ҳудудидаги Р.Глиер номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамкорлигида ўқувчилар, депутатлар ва партия фаоллари иштирокида "Партия ва ёшлар" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, "Тошкент оқшоми" газетаси бош муҳаррири Акмал Акромов сўзга чиқиб, Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришнинг аҳамияти юзасидан фикр билдирди.

Шунингдек, кун тартибидаги "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли" мавзуси юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъножон Зарипова маъруза қилди. Шундан сўнг тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Аббос Саид "Миллатни юксак тарбия асрайди ва улуғлайди" мавзусига атрофлича тўхталиб, матбуот нашрларида ёритилаётган мақолаларнинг савияси ҳамда журналистлар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида таҳлилий фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир Президентимизнинг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан партия томонидан амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган маънавий тадбирлар тўғрисида халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Насиба Миродилова маълумот берди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан "Ёшлар бизнинг келажагимиз" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда сўзга чиққан "Ёшлар қаноти" раҳбари И.Дўстов ёшлар сиёсати борасидаги партия мақсад-вазифалари, уни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берар экан, жумладан шундай деди: - Ёшлар орасида ўтказаётган тадбирларимизда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, бугунги кунининг долзарб масалаларидан бири бўлган ёш авлод қалбида она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини уйғотиш, миллий қадриятларимиз ва миллий меросимизга ҳурмат ҳиссини шакллантириш, шунингдек уларни жисмонан соғлом, маънан етук, теран дунёқарашга ва мустақил фикрга эга қилиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда сўз олганлар Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари тўғрисида алоҳида тўхталиб, ёш авлодни тарбиялашда унинг дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этдилар. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида ҳам фикр билдирдилар.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари партиянинг бош мақсади умумтараққиётга, айниқса глобаллашув жараёнида умуммиллий қадриятларни сақлаган ҳолда эришиш, унга олиб борувчи йўл эса миллий мерос, миллий маданиятни асраш ва илм-маърифат йўли эканлигига эътибор қаратиб, бу борада партия олдида турган вазифаларга ҳам урғу бердилар.

* * *

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда Инқирозга қарши чоралар Дастурини ўрганишга қаратилган тадбирлар ЎзМТДП Қўнғирот туман кенгаши томонидан изчиллик билан ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг туман кенгаши аъзолари, маҳалла фаоллари, халқ депутатлари туман кенгашлари депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда Инқирозга қарши чоралар Дастури ижросини таъминлаш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, унинг кўламини кенгайтиришда Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари муҳим аҳамият касб этаётгани ҳақида сўз борди.

Шунингдек, юртимизда 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши қишлоқларимизни обод ва фаровон қилиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини янада яхшилаш ҳамда зарур ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган изчил сиёсатнинг амалга оширилаётганидан далолат эканлиги йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир савол-жавоб ва очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси билан шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорлигида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, 11-сон ўрта мактаби ўқувчилари иштирокида ташкил этилган ҳамда 2-сон мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари билан ўтказилган тадбирларни мисол қилиш мумкин.

Мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган тадбир ўзгача руҳда ўтди. У ерда тарбия кўраётган жажжи болажонларнинг бадиий чиқишлари тадбирнинг янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди.

Иштирокчилар таълим муассасалари тарбияланувчилари бўлгани боис тадбирларни қизиқарли, ноанъанавий усулларда, мазмунли ўтказишга эътибор қаратилмоқда. Айниқса уларда иштирокчиларга топширилаётган китоб ва турли спорт анжомлари каби партиянинг эсдалик совғалари барчага манзур бўлмоқда.

Хоразм вилоят ахборот-ресурс марказида бўлиб ўтган "Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари" мавзусидаги хайрия тадбирида вилоят халқ таълими бўлими вакиллари, ёзувчи ва шоирлар ҳамда ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши аъзолари ҳам иштирок этишди. Тадбирда марказ ходимларига партия томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ундан ташқари 1993-2000 йилларда туғилган ёшлар ўртасида "Ёшлар гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши" шиори остида кикбоксинг бўйича бўлиб ўтган 1-вилоят очиқ турнирини ўтказишда бир қатор ташкилот ва идоралар қатори ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши ҳам ҳомийлик қилди. Уни ташкил этишдан асосий мақсад ёшлар орасида гиёҳвандлик ва турли жиноятларнинг олдини олиш, вилоятда кикбоксинг спорт турини оммавийлигини таъминлашдан иборат бўлди.

Мусобақа ғолиблари партия ва бошқа ҳомий ташкилотларнинг махсус совғалари билан тақдирландилар.

* * *

ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотлари жойларда ФЖЎИ, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиб келмоқда.

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинар ана шу мақсадга қаратилди. Унда иштирокчиларга "Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли", "Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий асослари", "Ўзбекистон Республикасида аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсати" ҳамда Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асари мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан маърузалар қилинди.

Шунингдек, "Партия фаоллари ва ходимларининг аёллар билан ишлаш борасида ўзига хосликлар", "Сайловолди ва сайлов жараёнларида партия "Аёллар қаноти"нинг ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш", мавзулари бўйича интерактив усулда машғулотлар олиб борилди.

Айтиш жоизки, ташкил қилинаётган бу каби ўқув-семинарлар бўлажак сайловларда хотин-қизлар иштирокини таъминлашга, шунингдек уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада оширишга хизмат қилади.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Етакчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш

ЎзМТДП олдида турган муҳим вазифа



(Давоми. Боши 1-бетда)

Қолаверса, бундай ўқувлар партия фаолларининг жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган жараёнлардан доимий тарзда хабардор бўлишларида, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишишларида, партия дастурида ёшлар йўналишида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз ўқув-семинар иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан қизиқдик.

Орзигул Туйғунова, ЎзМТДП Қизилтепа туман кенгаши "Ёшлар қаноти" аъзоси:

— Назаримда, бир неча ойда ўрганадиган билимимни икки кунда олгандекман. Яқинда тенгдошларимдан 5 кишини партия сафига олиб кирдим. Ҳатто уларнинг бири бугунги кунда партиямизнинг "Аёллар қаноти"да етакчи мутахассис вазифасида ҳам ишлаяпти.

Партияга аъзо бўлишим қизиқ бўлган. Бир куни коллеж кутубхонасида ЎзМТДПнинг Дастурига кўзим тушди. Уни олиб, ўқиб чиқдим. Партиянинг мақсад ва ғояси менга манзур бўлди. Шундан сўнг ҳеч иккиланмай партия сафига кирдим.

Тадбир давомида Бухорода кўп дўстлар орттирдим. Икки кун қандай ўтганини ҳам сезмай қолдик. Бундай семинар-тренинглар қанча кўп бўлса, ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билими шунча ошиб бораверади, деб ўйлайман.

Мухлиса Мустафоева, ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Семинар-тренингда ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, партиянинг мақсад ва ғояларини тарғиб этишнинг самарали йўлларини излаб топишда нималарга, қандай воситаларга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди. Қолаверса, 2009 йил сайловлар йили. Шу муносабат билан ёшларнинг бу борадаги ҳуқуқий билимларини бойитишга ҳам эътибор берилди.

Партиянинг "Томирида ғурур, Ватанига садоқат жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади",- деган шиори менга жуда ҳам ёқди. Сафимизда ана шундай ёшлар кўпайишини истайман. Бухоронинг миллатимиз кўрки бўлган тарихий обидалари бизда катта таассурот қолдирганини таъкидламоқчиман.

Шероз Ҳамиров, ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари:

- ЎзМТДПнинг "Ёшлар қаноти" фаоллари билан ўтаётган семинар-тренинг шуниси билан аҳамиятлики, у ёшларни замонавий билим ва касб-ҳунарга йўналтириш, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий билимларини янада юксалтириш ҳамда партия ғояларини тарғиб этишга хизмат қилади. Шунингдек, партиявий-ташкилий фаолият доирасида энг зарур тадбирларни изчил амалга оширишга кўмак беради. Сиёсий партия етакчилари бундай билимларни эгаллашлари давр талабидир.

Ҳақиқатдан ҳам минтақавий семинар-тренингда ЎзМТДПнинг жойлардаги "Ёшлар қаноти" етакчилари фаол иштирок этишди. Икки кунлик ўқув баҳс-мунозара ва савол-жавобларга бой бўлди.

МИЛЛИЙ СПОРТ

Полвонлар беллашуви

Анорбой НОРҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб камол топтириш мақсадида доимий спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Яқинда вилоятнинг энг чекка ҳудудларидан саналган Ширин шаҳрида белбоғли кураш мусобақаси ўтказилди. Ушбу нуфузли беллашувда вилоятнинг Боёвут, Ховос туманлари ва Ширин, Янгиер шаҳарлари полвонлари ўзаро куч синашдилар.

Мусобақани умрининг тўқсонинчи баҳорини қаршилаётган кекса полвонлар Охун ва Исмоил боболар бошлаб бердилар. Полвонлар беллашуви муросасиз ва мухлисларнинг тинимсиз олқишлари остида ўтди. Мусобақа сўнггида рақиблари курагини ерга теккизган Бахтиёр Ҳамроев ғолиб деб топилди ва бош совринни қўлга киритди.

Нурбек Абдуғаниев, Ҳайитбой Абдуллаев, Абдулла Абдумўминов, Шуҳрат Давлатов каби полвонлар ҳам ғолиб деб топилиб. уларга ЎзМТДП Ширин шаҳар кенгаши ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Мусобақа катта маънавий-маърифий тадбирга уланди. Шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимининг хушовоз хонандалари Абдулҳай Эргашев, Раҳмонали Ҳайитовлар дилрабо куй-қўшиқлар билан тадбирга ўзгача файз киритдилар.

МУЛОҚОТ

Орол дарди ҳаммамизнинг дардимиз

Маннон ОТАБОЙ, "Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши томонидан тумандаги 42-сон умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган маърузаси юзасидан тадбир ўтказилди.

Мактаб ўқитувчилари ва маҳалла фаоллари иштирокидаги тадбирни очган ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, мактаб директори Н.Қиличев Юртбошимиз маърузасида кўтарилган масалалар долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Мавзу юзасидан сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Т.Якибов маърузадан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди. Жумладан ёшларга экологик тарбия бериш, она табиатни асраш руҳида тарбиялаш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Ушбу мавзуга қаратилган тадбир тумандаги 8-сон умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчилар ва "Қипчоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳам бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши фаоллари иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

САЁҲАТ

Партия ҳомийлигида

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши томонидан тумандаги 8-сон умумий ўрта таълим мактабининг 50 нафар битирувчиларига ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд қадамжосига зиёрат уюштирилди. Шу билан биргаликда улар Бухоронинг "Арк", Чашмаю Аюб, Исмоил Самоний мақбараси ва Ситораи Мохи - хосса каби диққатга сазовор тарихий обидаларини ҳам томоша қилдилар.

Мактаб маъмурияти ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда қўшаётган амалий ҳиссаси учун ЎзМТДП туман кенгашига ўз миннатдорчилигини билдирди.

ТАНЛОВ

Йўлланмани қўлга киритди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони Аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими томонидан ташкил этилган "Донолик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи ўз ниҳоясига етди. Садриддин Айний номидаги вилоят театрида бўлиб ўтган танловда Бухоро шаҳридан Гулбаҳор Усмонова, Шофиркон туманидан Хуршида Ашурова, Вобкент туманидан Мадина Гадоева, Когон шаҳардан Севара Шодиева, Қоракўл туманидан Норхол Қодирова ва Ғиждувон туманидан Ойсара Ҳамроевалар ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловни очган партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ботир Норбоев мазкур танловнинг мазмун-моҳияти, уни ўтказишдан кўзланган мақсадга кенг тўхталди. Ҳар бир шарт ва унга берилган жавоблар ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланиб борилди. Натижаларга кўра Когон шаҳри вакилига биринчи ўрин насиб этди ва танловнинг республика босқичида иштирок этишга йўлланма берилди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Вобкент ва Ғиждувон туман вакиллари лойиқ деб топилди.

Барча қатнашчилар ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Балли қизлар

Миллий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, аввало оила, сўнг мактаб ва маҳалла-куйдан оладиган тарбиямиз орқали шаклланиб боради. Демак, унга барчамиз масъулмиз.

ЎзМТДП Жондор туман кенгаши ҳам бу муҳим вазифага алоҳида эътибор бериб келмоқда. Яқинда "Аёллар қаноти" ташаббуси билан туман халқ таълими ҳузуридаги "Ёшлар ижодиёт маркази"да ёш қизларни оилага тайёрлаш мавзусида "Балли қизлар" кўрик-танлови ўтказилди. Тадбирда "Далмун" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 38-, 39- ва 40-мактабларнинг битирувчи ёшлари ҳамда "Жамият" ва "Далмунобод" маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этдилар.

Тадбир шартига кўра 5 нафар қизлар бўлғуси оила бекалари сифатида мазали таомлар тайёрлаш, рўзғор тутиш, урф-одат ва анъаналаримизга боғлиқ саволларга жавоб бердилар. Танловда 40-мактабнинг битирувчиси М.Исломова барча шартларни аъло даражада бажариб ғолиб бўлди. Унга ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Шароповпартиянинг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаларини топширди.

Тадбир сўнггида бешнафар ўқитувчи ва олти нафар тадбиркор аёллар партия сафига қабул қилиндилар.

ДАВРА СУҲБАТИ

Йил дастури ижросини таъминлаш

ҳар бир партия аъзосига масъулият юклайди



П.ЖУМАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Навбаҳор педагогика коллежида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят ва шаҳар кенгашлари, вилоят Маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда партиядан халқ депутатлари вилоят, туман кенгашларига сайланган депутатлар, партия фаоллари, коллеж, мактаб ва маҳаллаларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходимлари иштирок этдилар. Тадбирни ЎзМТДП Навбаҳор туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Рустам Сайлхонов очди ва олиб борди.

Давра суҳбатида ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Йўлдошмурод Жўлиевнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга оширишда партия фаолларининг ўрни ва роли", вилоят Маънавият-тарғибот маркази раҳбари Фурқат Йўлдошевнинг "Демократик жамият қуришда шарқона тарбиянинг аҳамияти", туман маънавият маркази раҳбари Саид Муҳаммедовнинг "2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар Дастури бажарилишида маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг роли ва масъулияти", коллеж директори Муҳаббат Ражабованинг "Глобаллашув жараёнида миллий қадриятлар ва ёшлар" мавзуларидаги маърузалари тингланди. Баҳс-мунозараларда сўзга чиққан туман хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Хусенова, Абдулла Қаҳҳор номли умумий ўрта таълим мактаби директори С.Муродова йил дастурида белгиланган вазифалар ҳар бир фуқаро зиммасига масъулият юклаши ва уни амалга оширишда партия билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

Тадбир сўнггида партия сафига янгидан қабул қилинган аъзоларга гувоҳномалар топширилди.

МИЛЛИЙ ҒОЯ

Наманган Давлат университетида "Ёт ғояларга қарши курашишда миллий ғоянинг аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари, вилоят ҳокимлиги, ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Миллат руҳининг кўзгуси

Нодирбек ҚОДИРОВ, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари

Давра суҳбатини вилоят ҳокимлиги вакили И.Раҳматов очди. У ўз сўзида бугунги глобаллашув жараёнлари дунёнинг мафкуравий манзарасини тез ўзгартириб турган бир даврда ҳар бир ватандошимиздан ҳушёрлик ва сергаклик талаб этилишини таъкидлаб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Эшмуродов мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларида бошланган маънавий юксалиш бугун ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини, унинг таъсири айниқса ёшлар тарбиясида ортиб бораётганини таъкидлади.

— Халқимиз ҳамиша тинчликни, осойишталикни қадрлаган. Хусусан партиямиз дастурий ғоя ва мақсадларининг асосини ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида фидойилик, миллий ғурур туйғусини мустаҳкамлаш ташкил этади,- деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Жумаев. — Бу эса ўз навбатида уларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишидан асрайди.

Миллий истиқлол ғояси ҳақида фикр юритган тарих фанлари номзоди Б.Исҳоқов унинг фуқароларимиз онгига чуқур сингдирилиши ҳозирги кунда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларга қарши курашиш, "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу-тафаккурини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Айтиш керакки, айни пайтда ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказилаётган тадбирларда ҳам асосий эътибор ёшларда ғоявий ва мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш масалаларига қаратилиб, буни тадбирларнинг номланишидан ҳам сезсак бўлади. Масалан "Миллий ғоя миллатни бирлаштирувчи байроқдир", "Глобаллашув жараёнлари ва маънавий мафкуравий таҳдид" мавзуларидаги тадбирлар ёшларимизни ёт ғояларга нисбатан қуроллантиришда аҳамияти беқиёс. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун миллий қадриятларимиздан таълим-тарбия жараёнида кенг ва унумли фойдаланиш ҳамиша муҳим.

Шунингдек, тадбирда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Раҳматуллаев сўзга чиқиб, бундай тадбирларни вилоятнинг чекка-чекка ҳудудларида яшаётган ёшлар орасида ҳам мунтазам ўтказиб бориш режалаштирилганлигини айтиб ўтди.



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивларида жами 247 та шахсий архив фонди мавжуд бўлиб, улардан 199 таси Марказий давлат архиви, 3 таси кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивида, 44 таси Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивида сақланади. Тошкент вилояти давлат архиви ва унинг филиалларида 1 та шахсий архив фонди мавжуд.

Архивлар ҳаёт кўзгуси

микрофильмларнинг электрон нусхаларини яратиш бошланган. Бу борада электрон суғурта нусхаларни яратишга оид янги стандарт ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ

Абдуғафур МАМАТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

(Давоми.
Боши ўтган сонда)

Тақдим этилган маълумотларга кўра Тошкент шаҳар давлат архивига 318198 та, Тошкент вилояти ва унинг филиалларига 719503 та корхона ва хўжалик ҳужжатлари доимий сақлаш учун ҳамда шахсий таркиб ҳужжатлари узоқ муддат сақлаш учун топширилган.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган давлат архивлари «Ўзархив» агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан бошқарилади.

Архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва уларни белгиланган тартибда расмийлаштириш, архив ишини талаб даражасида юритиш, архив ҳужжатларини қадрият сифатида сақлаш каби тушунчаларни шакллантириш архив соҳасида фаолият юритаётган ходимларга боғлиқ.

Архив муассасалари раҳбарлари, мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, иш сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви қошида "Идоравий архивлар ишини ташкил этиш", Ўзбекистон Республикаси кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивида эса "Иш юритиш маданияти ва замонавий усуллари" номли малака ошириш ўқув курслари ташкил этилган. Лекин давлат ва идоравий архивларда олий маълумотли архившунос мутахассислар етишмайди. Мазкур йўналиш бўйича мутахассислар Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат маданият институтида тайёрланмоқда. Мазкур олий ўқув юртларида "Тарихий архившунослик", "Археография", "Архив иши назарияси ва амалиёти" бўйича магистратура йўналишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлиллар архив ва иш юритувчи ходимлар, мутахассис ва раҳбарларнинг иш юритиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳужжатлар билан ишлаш маданияти етарли эмаслигини кўрсатади. Шу боис олий ва ўрта махсус қасб-ҳунар таълим муассасалари ўқув дастурларига "Ҳужжатшунослик ва ҳужжатлар билан ишлаш маданияти" предмети киритилса муаммо ечимини топарди.

Республика давлат архивлари томонидан 2008 йили 1120000000 сўмдан ортиқ пуллик хизмат кўрсатилган. Хусусан, Марказий давлат архиви 114000000 сўм, кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивида 35000000 сўм, Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида 43200000 сўм, Тошкент шаҳар давлат архиви 49000000 сўм, Тошкент вилояти ва унинг филиаллари томонидан 60000000 сўм миқдорида пуллик хизмат кўрсатилган. Мазкур маблағлар давлат архивлари моддий техника базасини яхшилаш учун зарурий техник воситалар (компьютер, принтер, ксерокс, электроиситкич ва бошқ.) харид қилишга сарфланган.

Тошкент шаҳар давлат архиви муқаддам турар жойга мўлжалланган 9 қаватли бинога жойлаштирилган. Аммо мазкур бинонинг архив ҳужжатларини жойлаштириш ва сақлаш талабларига жавоб бериши даражасини экспертизадан ўтказиш лозим.

Ҳужжатларни сақлаш учун шароит ва жойнинг етишмаслиги сабабли Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган 200 га яқин ташкилот ва идоралар Тошкент шаҳар давлат архивининг жамлаш манбаига киритилмаган.

Тошкент вилояти давлат архиви Қибрай филиалининг ҳужжатлар билан бутланиш ҳолати 133 %ни ташкил этади. Бино ҳужжатлар билан бутланиш 60000 сақлов бирлигига режалаштирилган бўлсада, бугунги кунда 80103 та сақлов бирлиги сақланмоқда. Қибрай ва Чирчиқ филиаллари бинолари иситиш тизимининг ишламаслиги сабабли ҳужжатларнинг сақланиш қоидалари бузилиб келинмоқда.

Тақдим этилган маълумотларга кўра 98 та республика давлат архивининг 22 % сақловхоналари ҳужжатлар билан тўлиб қолган, 19 % архивларда жой танқислиги қайд этилган, 32 % архивлар 3 йилдан 10 йилгача ҳужжатлар билан бутланиш имкониятига эга, 25 % архивларда эса 10 йилдан ортиқ ҳужжатларни қабул қилиш имконияти мавжуд. Республика давлат архивларининг аксарияти капитал таъмирлаш ва кўшимча бино ажратишга муҳтож.

Республика давлат архив муассасалари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган архив маълумотномаларини, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига архив маълумотномаларини ва ҳужжатларнинг нусхаларини беришни бепул амалга оширмоқдалар.

2008 йил давомида республика давлат архивлари томонидан жами 70961 нафар фуқаронинг сўровлари бажарилиб, улардан 63308 нафарига ижобий жавоб берилган.

Фуқаролар мурожаатларини бажариш учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти давлат архиви ва унинг филиалари зарур техник воситалар билан таъминланган ва шарт-шароитлар яратилган.

2005 йилдан ҳозирга қадар республика бўйича корхона ва ташкилотлардан жами 837483 дан зиёд сақлов бирлигида ҳужжатлар қабул қилинган. Тошкент шаҳар давлат архиви 71499 та, Тошкент вилояти ва унинг филиаллари томонидан 41962 та сақлов бирлигида ҳужжатлар қабул қилинган.

2008 йил давомида республика давлат архивлари томонидан жами 70961 нафар фуқаронинг сўровлари бажарилиб, улардан 63308 нафарига ижобий жавоб берилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шаклининг ўзгариб боришини ҳисобга олиб давлат архивларини бутлаш манбалари мунтазам равишда қайта кўриб чиқилмоқда.

Марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти давлат архиви ва унинг филиалларида алоҳида қимматли ва ноёб архив ҳужжатларининг электрон фойдаланиш фонди нусхалари тайёрланиб борилмоқда. Ҳозирда давлат архивларининг алоҳида қимматли ва ноёб архив ҳужжатларининг жами 177015 та электрон нусхалари тайёрланган.

Суғурта фондларини яратиш стандартлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-қарорига мувофиқ ҳужжатларнинг суғурта нусхалари микрофильм шаклида бўлиши белгиланган. Аммо микрофильмларни тайёрлаш технологияси маънавий ва жисмоний эскирганлиги сабабли суғурта нусхаларни тайёрлаш ишлари олиб борилмаяпди. Ҳозирда микрофильмларнинг электрон нусхаларини яратиш бошланган. Бу борада электрон суғурта нусхаларни яратишга оид янги стандарт ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг ҳужжатларини давлат ҳисобига олиш тартиби «Ўзархив» агентлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлсада, Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилмаган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат архив фондининг архив ҳужжатларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиши белгилаб қўйилган. Марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти давлат архивларида тадқиқотчилар учун зарурий шароитлар яратилган. 2008 йил давомида республика давлат архивларида жами 743 нафар тадқиқотчига хизмат кўрсатилган бўлиб, улардан 471 нафари марказий давлат архивларида, 33 нафари Тошкент шаҳар давлат архивида, Тошкент вилояти давлат архиви ва унинг филиалларида 12 нафар тадқиқотчи изланиш олиб борган. Шунингдек, республика давлат архивлари томонидан юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган турли хил мавзули сўровномаларни бажариш ҳам йўлга қўйилган. Хусусан, 2008 йили республика бўйича 5112 та сўров бажарилиб, шулардан 234 таси марказий давлат архивлари томонидан, 425 таси Тошкент шаҳар давлат архиви томонидан ва 900 таси Тошкент вилояти давлат архиви ва унинг филиаллари томонидан амалга оширилган.

Марказий давлат архивларида нодавлат архив фондининг ҳужжатлари сифатида сақланувчи шахсий фондлар, жисмоний шахсларнинг хусусий мулки эканлигини инобатга олиб, архивлар юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши учун фонд эгаларининг розилиги билан ҳужжатларни бериш ёки улардан фойдаланишни чеклаш қоидаларига амал қиладилар.

Архив иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибасини амалиётга татбиқ этиш мақсадида "Ўзархив" агентлиги Греция, Корея давлатлари билан ҳамкорлик шартномалари имзолаган. Шунингдек, "Ўзархив" агентлиги 2009 йилда Халқаро архивлар кенгашига аъзо бўлиш учун ҳужжатларни тақдим этган. Республика архив муассасалари ходимлари малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида мунтазам равишда халқаро ўқув-семинарлар ва илмий-амалий анжуманларда қатнашиб келмоқдалар. Ўтган 3 йил давомида шу каби тадбирларда жами 10 нафардан ортиқ архив ходимлари ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг ҳужжатларини давлат ҳисобига олиш тартибини ишлаб чиқиш, Маъмурий жавобгарлик, Жиноят кодексларига архив иши соҳасида содир этилган қонунбузарликлар, шу жумладан архивларни сақлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан жавобгарликни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, белгилаб қўйилган ҳужжатларнинг суғурта нусхалари микрофильм шаклида бўлишини таъминлаш, микрофильмларнинг ўрнига электрон нусхаларни яратиш, электрон суғурта нусхаларни яратишга оид янги стандарт ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, архившунослик ишини янада замонавий билимлар билан таъминлаш ва такомиллаштириш мақсадида бу борадаги ўқув предметларини қайта кўриб чиқиш, фуқаролардан келиб тушаётган ижтимоий-ҳуқуқий сўровларга сифатли жавоб бериш ишларини назорат қилишни кучайтириш, нодавлат архивлари томонидан Марказий давлат архиви таркибига киритилган давлат архивларини бутлаш манбаи саналган ташкилотларнинг ҳужжатларини илмий-техник қайта ишлашни назоратга олиш, нодавлат архивлар томонидан давлат архивларининг бутланиш манбаи бўлган ташкилотлар ҳужжатларини сақловга қабул қилинишига йўл қўймаслик, идоравий архивларда ҳужжатларнинг сақловини таъминлашни талаб даражасида ташкил этиш лозим. Ҳужжатларни давлат архивларида белгиланган талаб даражасида ўз вақтида топширилишини таъминлаш, идоравий архивларда сақланаётган ҳужжатларга ўз вақтида илмий-техник ишлов бериш, ҳужжатларни даврий ва мазмунан сифатини таъминлаш ишларини такомиллаштириш архивларга тўлиқсиз ҳужжатлар келиб тушишига йўл қўймаслик, вилоят архив муассасалари раҳбарлари, архив мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, иш сифатини ошириш мақсадида ўзаро тажриба алмашиши, Республика ва хориждаги илғор тажрибаларни ўрганишни ташкил этиш, компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини архив иши ва архив муассасаларининг хизмат кўрсатиш жараёнларига татбиқ этишни янада жадаллаштириш, ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, хўжалик юритувчи субъектлар бўлган фермерлар, кичик бизнес корхоналари, хусусий корхоналарнинг архив ҳужжатларини тақдим этиш механизмини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ва ниҳоят архивларга ҳар бир раҳбар миллий меросларимиз жамланган улуғ даргоҳ сифатида муносабатда бўлишини, шу нуқтаи назардан қарашларини истаб қоламиз.

ФАОЛИЯТ



Фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш

сифатини ошириш — давр талаби

Президентимиз Ислом Каримов: "Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириши янада ривожлантириш демакдир", деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Зафар ТАИРОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Демократик ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамияти қуришда нотариат ва ФҲДЁ идоралари муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонунларда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш айнан нотариат ва ФҲДЁ идораларининг асосий вазифаси саналади. Турли муносабатларни тартибга солиш мақсадида мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ўз навбатида мазкур идоралар фаолиятининг кенгайишига ва янада мукаммаллашувига олиб келмоқда.

Амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлар замирида нотариат ва ФҲДЁ идоралари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш ҳамда фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини тўлиқ яратиш мақсадида тегишли тартибда бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, нотариат соҳасини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Нотариат тўғрисида", "Гаров тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги Қонун, "Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги қўлланма, ФҲДЁ соҳасини тартибга солишда эса Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари", "ФҲДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома", "ФҲДЁ органлари тўғрисида"ги Низом ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг янгича мазмун касб этиши, фуқароларга кўрсатилаётган ҳуқуқий хизмат сифатини юқори босқичга кўтариш жараёнида нотариат ва ФҲДЁ идораларининг ўрни беқиёс. Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган нотариал идора нотариуслари томонидан 2006 йилда 159.464 та нотариал ҳаракат амалга оширилган бўлиб, 1.675.967.631 сўм давлат божи ундирилган; 2007 йилда эса 175811 та нотариал ҳаракат амалга оширилиб, 2.087.624.197 сўм давлат божи ундирилган.

Ўзаро келишув асосида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришаётган томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган ва қонунда соддалаштирилган тартиб асосида бу муносабатларни расмийлаштирадиган идора – нотариат ва ФҲДЁ идораларидир.

Ўзаро келишув асосида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришаётган томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган ва қонунда соддалаштирилган тартиб асосида бу муносабатларни расмийлаштирадиган идора – нотариат ва ФҲДЁ идораларидир.

Нотариуслари ва ФҲДЁ идоралари мудирлари фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни процессуал расмийлаштиришга бевосита давлат томонидан ваколат берилган мансабдор шахс ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Нотариат соҳасида фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатининг оширилишида нотариал фаолият билан шуғулланишни либераллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги ҳуқуқий институт – хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни жорий этди ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берди. Эндиликда давлат нотариал идораларининг нотариуслари билан бир қаторда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлиб, улар ўз фаолиятларида мустақил, бу фаолиятни амалга оширишда амалдаги қонунларга риоя қилишлари ва ўзларини – ўзлари молиявий таъминлашлари лозимлиги белгиланди. Бутун мамлакат ҳудудида ягона нотариал стандартлар амал қилиши, нотариал ҳаракат хусусий нотариус ёки давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан содир этилишидан қатъи назар, бунинг учун бир хил миқдорда ҳақ тўланиши белгиланди. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга ҳам давлат нотариал идораларининг нотариуслари каби мурожаат қилувчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, зарурий маслаҳатлар бериш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш орқали уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятлари юклатилди.

Нотариат ва ФҲДЁ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати ошиб бормоқда.

Гарчи Нотариат ва ФҲДЁ фаолияти учун етарли ҳуқуқий база яратилган бўлса-да, улар фаолиятини янада такомиллаштириш зарур.

Жумладан, барча ФҲДЁ органларини компьютер техникаси билан таъминлаш ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб, ҳозирда ФҲДЁ бўлимлари иш юритувидаги барча ҳужжатлар ва ёзишмаларни компьютерда олиб борилиши, далолатнома ёзувлари ва Алфавит китобларининг ягона компьютер базасини шакллантириш, ҳисоботларни интернет тармоғи орқали электрон шаклда юбориш ва барча ФҲДЁ органларини бирлаштирувчи ягона компьютер тармоғини шакллантириш лозим.

Халқимизнинг Адлия вазирлиги ва унинг тизимидаги адлия бошқармаларига бўлган ишончини оқлашда, адлия тизимига юклатилган вазифаларнинг тўлақонли ижро этишилиши, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда жойлардаги ФҲДЁ органлари муҳим роль ўйнайди.

Уларга юклатилган масъулиятли вазифаларни бажаришлари учун ФҲДЁ органлари фаолиятининг қонуний асосларини тўлиқ шакллантиришимиз ҳамда уларда ишловчи ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашимиз, уларнинг яхши ишлашлари учун шароит яратишимиз керак.

МАЪНАВИЯТ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Пойтахт миллий либослари унда маънавиятимиз ва урф-одатларимизнинг ўзига хос хусусиятлари жамланган

Элимизнинг миллий либослари тарихимиз, маданиятимиз ва маънавиятимиз билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, кийимларда ҳам миллатнинг руҳияти, маънавий-ахлоқий қарашлари, анъана ва урф-одатлари акс этади. Шу нуқтаи назардан пойтахтимиз аҳолисининг XVI-XX аср бошларидаги либосларини кўздан кечирар эканмиз - энг аввало юксак маънавият, нафосат ва гўзалликни ҳис қиламиз.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Матолар ҳам сўзлайди...

Мато ва газламалар либосларнинг асоси ҳисобланади. XIX аср охири, XX аср бошларида нафақат Тошкент, балки барча вилоятлар маҳаллий аҳолисининг либослари бўз, олача, қалами, карбоб, сўси каби ип-газламалардан, беқасам, банорас, парпаша, шойи, атлас каби матолардан тайёрланган. Бу каби мато номларининг келиб чиқиши ҳам диққатга сазовор. Масалан, парпаша деб номланган матолар пашшанинг парига тақлидан тўқилган. Унинг ўрими оқартирилган ипакдан, арқоғи эса кўк рангдаги пишиқ ипдан тўқилган...

XVI аср ўрталарида Марказий Осиёга ташриф буюрган инглиз сайёҳи Женкинсон: "Бу ерда ҳар бир ҳунар ўзининг алоҳида ўрни ва бозорига эга. Ҳиндлар ипак-газлама, рус савдогарлари эса ипдан тўқилган буюмлар, ҳар хил навли шойи ва газламалардан олиб кетишган", - деб ёзган эди. Дарҳақиқат, бу мулоҳазалар сайёҳда ўз-ўзидан туғилмаган. Матоларга ранг беришга асосланган бўёқчилик санъати ҳам қадимдан алоҳида ҳунар саналиб, бўёқчилар бўёқларнинг рангига қараб кўкчилар, сариқчилар деб номланган.

"Бўёқчиликда ниль бўёғидан кенг фойдаланилган. Бу бўёқни савдогарлар Афғонистон, Ҳиндистон ва Мисрдан олиб келишган. Бироқ бўёқчилар ўз ишларида маҳаллий ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларни ҳам қўллашган. Хусусан, рўян деган ўсимликнинг тўрт йил қуритилган илдизини майдалаб қайнатилиб, ундан тўқ қизил ва очиқ малина ранг олинган.

Санъатшунос М.Исмоилов ўзининг "Қадимий миллий либослар" асаридан

Айрим ҳолларда матоларнинг табиий ранглари ҳам сақланган. Масалан, оддий аҳоли кийим-кечаклари учун ишлатилган бўз ҳақида шундай дейиш мумкин. Бўз ипдан тўқилган табиий оқ ёки малла рангли матодир. Ҳатто, XI аср ёзма манбаларида у ҳақда маълумотларнинг учраши, бўзнинг жуда қадимийлигидан далолат беради. Мумтоз адабиётимизда бу камтарин ва машҳур матонинг таърифи кўп бора келтирилган. Мир Алишер Навоий шундай ёзади:

Тикилди урдуйиким, кўрмамиш кўз,
Ҳазу иқсину атлас анчаким бўз.



"Бўёқчиликда ниль бўёғидан кенг фойдаланилган. Бу бўёқни савдогарлар Афғонистон, Ҳиндистон ва Мисрдан олиб келишган. Бироқ бўёқчилар ўз ишларида маҳаллий ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларни ҳам қўллашган. Хусусан, рўян деган ўсимликнинг тўрт йил қуритилган илдизини майдалаб қайнатилиб, ундан тўқ қизил ва очиқ малина ранг олинган.

Санъатшунос М.Исмоилов ўзининг "Қадимий миллий либослар" асаридан

"Беқасам тўнлар кийиб, бунча мени куйдирасиз..."

Фарғона водийсида, Тошкент ва Хоразмда гавдага ёпишиб турадиган сирма-қавима чопонлар кўпроқ расм бўлган. Қариялар учун ҳам айнан шундай чопонлар тикилган. Буларни тикиш учун кўпинча қора сатин ёки кўк тусдаги сидирға ёхуд майда гулли сатин ишлатилган. Йигитлар киядиган чопонлар қўлда ёки фабрикада тўқилган йўл-йўл нимшойи беқасамдан тикилиб, "беқасам тўн" деб аталган...

Нафиса Содиқова, тарих фанлари доктори:

- Фарғона ва Тошкент вилоятларида эркакларнинг олди очиқ яхтак кўйлаклар кийиши одат тусини олганди. Улар чит, бўз, ипак, ип-газлама матолардан тикилиб, ёшлар ҳам қариялар ҳам бирдек ёқтиришган. Енгил, кийишга қулай яхтакнинг этаги тиззагача ва ундан ҳам пастроққа тушиб турар, ёқаси узунасига илмоқ билан ёнма-ён қавилар, кўкрак қисмига бир дона тугмача ёки қўлбола илгак, кўпинча ўз матосидан ингичка боғич ўтказиб қўйилади. Қиш фаслида чавандозлар, овчилар намат-кигиздан, жун-мўйнадан, ошланган теридан тикиладиган чолвор кийишган. Дарвоқе, бундай уст-бош Ўрта Осиё эркак аҳолисининг қадимий кийимлари сирасига кирган.

Олиманинг "Ўзбек миллий либослари" асарида Тошкентнинг миллий-анъанавий кийимларига алоҳида тўхталиб ўтилади. Жумладан, юқорида изоҳ берилган яхтак устидан албатта олди очиқ чопон кийилган. Чопон ҳақида эса асарда қуйидагича фактларга дуч келамиз:

"Чопонлар одатда икки хил бичилган бўлиб, биринчиси яхлит мато бўлагидан тикилган. Олди орқаси ва елка қисми чоксиз бўлган. Енг ўтказиладиган қисми кийилмаган, енглари узунасига - тўғри ёки енг томон учлари торайтириб тикилган. Бошқа бир бичилган чопонларда гавда қисми бир - бирига улаб чоклаб қўйилган икки мато бўлагидан иборат бўлиб, унинг олд ва орт қисмини ташкил этади".

Чопонлар айни дамда ҳам элимизнинг яхши ва ёмон кунларида бирдек хизмат қилиши, унинг биз учун қадрдон ва шу билан бирга миллийлигимиз белгиси эканлигидан дарак беради. Ўзбек халқ оғзаки ижодида "Беқасам тўнлар кийиб, бунча мени куйдирасиз...", сингари ошиқ тилидан куйланган қўшиқларнинг юзага келиши, чопоннинг замонлар оша жуда машҳур бўлганлигини англатади.

Тошкентда эса аксинча...

Анъанавий кийимларга хос тақинчоқ ва безаклар яқингача сақланиб келинган. Аввалари аёлларнинг уст-бош кийимлари заргарлик зеб-зийнат буюмлари билан безатиларди. Кийим кечакларнинг янгиланиши тақинчоқларнинг йўқолишига сабаб бўлди. XIX аср охирларигача Тошкентда аёллар учун заргарлар ясаган зеб-зийнат буюмлари кўп ва турли хил бўлган. Уларнинг номлари ҳам бир-биридан фарқланган: бўйин ва кўкракка тақиладиганлардан *пайконча, зебигардон, бўйинтумор*, сочнинг икки томонига тақиладиган *заркокил*, пешанага тақиладиган *тилла баргак, тиллақош*, бурунга тақиладиган *аравак* ва *латива*... Зеб-зийнатларни заргарлар ўйма усулда ясаган турли рангдаги тошлар билан безайдилар.

И.Жабборовнинг "Ўзбеклар" номли китобида бу ҳақда шундай миссоллар келтирилади:

"Мамлакатимизнинг кўп жойларида ипга тизилган маржон шодаси, Тошкентда эса майда дурдан ясалган *мунчоқ, маржон* ва шишадан ишланган *исирға, узук* ва *билагузук* тақиш одат бўлган. Кўйлак ёқасига ҳар хил *тўғнағичлар* осганлар. Ёш болаларга ҳам кўз тегмасин деб *қора мунчоқ* тақилган".

Чиндан ҳам элимизнинг урф одатларидаги ўзига хослик унинг либосларида, зеб-зийнатларида акс этган. Буни қарангки, бирор тақинчоқ ёки узукка туширилган нақшлардан, ушбу заргарлик буюмининг қайси мактаб вакиллари томонидан ишланганлигини аниқлаш мумкин бўлган экан.

Фасихитдин Дадамуҳамедов, Ўзбекистон халқ устаси, заргар:

- Тошкент ва водий заргарлик санъати бир-бирига жуда яқин. Уларнинг воҳа санъатидан фарқи заргарлик буюмларига ишланган нақшларда ҳам намоён бўлади. Фарғона ва Тошкент заргарлик буюмларидаги нақшлар жуда нозик ва нафис. Улардаги маҳобат ўрнини сокинлик, осойишталик эгаллайди. Воҳада ҳар бир хонадон безаги саналган кашталарга эътибор берсангиз, уларда йирик нақшлар туширилганига гувоҳ бўласиз. Тошкентда эса аксинча... Бунинг сабаби туб аҳолиси кўпроқ турғун ҳаёт кечирганлиги, шунингдек, иқлимнинг ўзгачалиги билан боғлиқ бўлса керак.

Элимиз орасида "Аёллар бўлмаса, заргарларга иш қолмайди",-деган ҳазиломуз ибора юради. Бу бежиз эмас, албатта. Аёлларнинг қадимдан ўзига пардоз бериши, ўсма, хина, упа-элик суриши одат бўлган. Археологик қазилмалар натижасида топилган ва миниатюраларда тасвирланган расмларда юртимиз гўзаллари пардози санъат даражасига кўтарилганлиги аниқ кўринади.

Хулоса ўрнида...

Доно халқимизнинг яна бир иборасини келтиришни маъқул кўрдим: "Қизингни бешикка сол, сепини - сандиққа". Одатда, ўзбекларда қизнинг сепи тўйдан анча илгари тахт қилиб қўйилади. Тўй кийимлари албатта оқ рангда бўлиши керак, чунки бу ранг бахт-саодат тимсоли ҳисобланган. Шу сабабли ип-газламадан махсус оппоқ либос тикилган, унинг бичими узун олиниб, этаклари тўпиқ-қача тушиб турган, ёқалари замонавий услубда, енглари эса кенг ва бармоқларни ёпиб турадиган даражада узун бўлган. Бу каби оппоқ келин либоси ҳозиргача расм бўлиб келаётир. Келиннинг рўмоли ҳам шундай тусда, баъзан кашталар билан безатилган, ип-газламадан тикилган, яп-янги пойафзаллар эса анъанавий маҳси ва ковушдан иборат бўлган.


Айни дамда келинларимизни турли либосларда кўришга ўрганиб қолганмиз. Бу замонлар оша нафақат шаҳримиз, балки жаннатмакон юртимизда яшовчи халқимизнинг урф-одатлари, шулар қатори кийиниш санъатида ҳам янгича услуб шаклланаётганидан далолат беради. Албатта, ҳар бир даврнинг ўзига хос кийиниш маданияти ва расм-русумлари бор. Шунга қарамай, кўча-кўйда бировнинг эгнида ҳозиргача урфдан қолмаган миллий-анъанавий либосларимизга кўзимиз тушса, этимиз жунжикиб кетади. Бу туйғуни сўз билан ифодалаш қийин бўлса керак...

Элимизнинг миллий либослари тарихимиз, маданиятимиз ва маънавиятимиз билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, кийимларда ҳам миллатнинг руҳияти, маънавий-ахлоқий қарашлари, анъана ва урф-одатлари акс этади. Шу нуқтаи назардан пойтахтимиз аҳолисининг XVI-XX аср бошларидаги либосларини кўздан кечирар эканмиз энг аввало юксак маънавият, нафосат ва гўзалликни ҳис қиламиз.

Янграр Шарқ тароналари

Бу йил Самарқанд шаҳрида еттинчи марта "Шарқ тароналари" анъанавий халқаро мусиқа фестивали ўтказилади

Мусиқа санъати неча минг йиллардан буён инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаётган, бу ёруғ оламни янада мунаввар қилиб кўрсатадиган мўъжизадир. Айниқса, башарият мураккаб технологиялар, глобал муаммолар, шиддаткор тараққиёт асрида яшаётган бугунги кунда руҳий юксаклик намунаси бўлган бу санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва қадр-қиммати бениҳоя ортиб бораётир.



Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори мусиқа санъати ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида 1997 йилдан буён Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бой маданиятимиз дурдоналари бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини бутун дунёга янада кенгроқ танитиш, мумтоз тароналардан нафосат шайдоларини баҳраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш борасида ушбу анжуманнинг аҳамияти катта.

Самарқанд азалдан илм-фан, санъат бешиги сифатида маълум ва машҳур. Кўҳна Афросиёб харобаларидан топилган девория суратларда ҳам созанда ва хонандалар тасвирини кўриш мумкин. Бу эса юртимизда мусиқа санъати неча минг йиллар аввал ҳам юксак даражада ривожланганининг ёрқин далилидир. Буюк аждодларимизнинг мусиқа тарихи ва назарияси масалаларига бағишланган асарлари, Самарқанд вилоятидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам миллий мусиқа маданиятимиз илдизлари нечоғли теран эканини кўрсатади.

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, "Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку муғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди", деб ёзган.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд ўзининг олис тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келаётган улуғвор шаҳардир.

«Шарқ тароналари» деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилиб келаётган бу анжуманнинг айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келинаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор.

Мафтункор Регистон майдонининг ўзидан, бу ерда қад ростлаган муҳташам обидаларнинг мовий гумбаз пештоқларидан гуё мумтоз мусиқа овози эшитилиб тургандек туюлади. Бу садолар шу муаззам масканга қадам қўйган ҳар бир инсонга тарихнинг сеҳрли саҳифаларини очиб, эзгуликка, тинчлик ва осудаликка чорлаётгандек.

Бу йил «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали еттинчи бор ўтказилади. Август ойида кўҳна Самарқанд яна бутун дунё халқларининг санъаткорларига кучоқ очади. Яна Регистон узра она Ватан, муҳаббат ва садоқат, дўстлик ва инсонпарварликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, тароналар янграйди. Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида бўлиб ўтадиган улкан мусиқа байрамига нафақат қадимий ва навқирон шаҳар аҳли, балки мамлакатимизнинг барча санъат намояндалари, ижодкорлар қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

– Бу йилги мусиқа анжуманининг ҳар галгидан ҳам кўтаринки руҳда ўтиши учун ҳаракат қилмоқдамиз, – дейди "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дирекцияси ижрочи директори Бакир Эшматов. – Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида ижодкорлар гуруҳи фестивалнинг очилиш ва ёпилиш тантаналари асосий ғояси – театрлаштирилган томоша мавзусининг изчиллиги ва уйғунлиги, қуй-қўшиқларнинг ҳамоҳанглиги, қўйиладиган рақсларнинг бетакрорлиги борасида фаол иш олиб бормоқда.

Фестиваль доирасида ҳар бир қатнашчи ўз халқининг миллий мусиқа меросини, истеъдоди ва маҳоратини намоён қилишга, ижодий беллашувларда юқори ўрин ва мукофотларни эгаллашга ҳаракат қилиши табиий, албатта. Шу маънода, иштирокчилар сафи ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, 1997 йилги мусиқа анжуманида 33 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, 2007 йилда иштирокчи давлатлар сони 51 га етди. Бу гал Баҳрайн, Коста-Рика ва Австралия санъаткорлари илк бор фестивалимизга ташриф буюради. Ҳозирнинг ўзида 40 дан зиёд мамлакат вакиллари Самарқандга келиш истагини билдирди.

Йилдан-йилга иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани каби Регистон саҳнасида ўз маҳоратини намойиш қилишга интилган санъаткорлар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, дастлабки фестивалга Германиядан 3 нафар, Япониядан 2 нафар, Россиядан 7 нафар қатнашчи келган бўлса, 2007 йилги фестивалга бу давлатлардан тегишли равишда 7, 18 ҳамда 16 нафар хонанда ва созанда ташриф буюрди.

Ушбу фестиваль янги номларни кашф этиш, иқтидорликларни саралаш ва юзага чиқариш, санъат ва санъаткорни юксак поғонага кўтаришнинг муҳим омили бўлиб қолди. Биринчи фестивалда бош соврин – Гран-прини олган озарбайжонлик Симара Имановани нафақат бошқа давлатлар, балки ўзининг юртида ҳам "Шарқ тароналари"дан кейин кўпчилик яхши танийдиган бўлгани ҳеч қандай муболаға эмас. Мамлакатимиз миқёсида олиб қараганда ҳам мазкур фестивалда турли йилларда биринчи ўринни қўлга киритган ёшларимизнинг бугунги мувафаққияти ҳаммамизни қувонтиради.

– Дунёдаги деярли барча халқлар эшигига соз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади, – дейди Самарқанд шаҳар ҳокими Зоир Мирзаев. – Шунинг учун биз фестивалимизнинг азиз меҳмонларини ўзга элларнинг маънавий ва маданий руҳини мусиқа воситалари орқали ифодаловчи тинчлик ва дўстлик элчилари сифатида кутиб оламиз. Уларга донғи кетган шаҳримиз билан яқиндан танишиш, тарихий обидаларга саёҳат уюштириш, турли учрашув ва мулоқотлар, илмий-амалий анжуманларда қатнашиш имкони яратилади.

Халқимиз азалдан бунёдкор ва яратувчидир. Эл-юртимизга хос бундай фазилатлар айниқса катта тадбир ва қутлуғ тўйлар арафасида янада ёрқинроқ намоён бўлиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрамига тайёргарлик баробарида шаҳримиздаги қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари кўлами янада кенгайганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ишларга шаҳар аҳолисининг барча қатлами муносиб улуш қўшаётир. Чунки дилларга шукуҳ бағишловчи фестивалнинг бошланишини мусиқа санъати мухлису мутасаддилари, ёшу қари, ўқувчию талаба интизорлик билан кутмоқда.

Инсон ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўлдириб, доимо эзгулик ва покликка чорлаган илоҳий қудрат бўлмиш мусиқа санъати, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгил қуввати, руҳ саодатидир.

Тез орада Самарқанднинг юраги ҳисобланган муаззам майдон узра яна карнай-сурнай садолари, шарқона тароналар янграйди. Куй қўшиққа, қўшиқлар рақсга уланади. Регистондан таралажак наволарда эрк ва ҳурлик, юрт озодлиги ва ободлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти, тинч ва осойишта кунлар қадри тараннум этилади.

Озод РАЖАБОВ, ЎзА шарҳловчиси

ТААССУРОТ

Самарқандга саёҳат кутилгандан-да маромли ўтди

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Одамзот борки, аждодларининг кимлигини, наслнасабини, улар яратган бой маънавий қадриятлар ва тарихий обидаларни, ўзи туғилиб ўсган Ватанининг тарихини билишни истайди. Айлишларича, қуёш ўз нурлари билан бутун ер юзини ёритса, шариф шаҳарлар таровати дунёни нурафшон этар экан.

Бу албатта, шу заминда яшаб ўтган буюк бобокалонларимизнинг дунё тамаддунига ўз илми салоҳияти билан қўшган ҳиссаси сабабдир. Мустақиллик туфайли ўтмиш тарихимизни холисона ўрганиш, азалий қадриятларимизни тиклаш каби имкониятлар яратилди. Бу эса ёш авлодни миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашда муҳим. Қолаверса, уларни қарийб унутилаётган расм-русумларимиз, қадимий урф-одатларимиз билан таништиришда беқиёс даражада хизмат қилади.

Куни кеча Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Жангоҳ маҳалласи аҳли учун ташкил этилган бир кунлик экскурсия ҳам ана шу эзгу мақсадларнинг ҳосиласидир. Ушбу экскурсияни ташкил этишда Жангоҳ маҳалласи фуқаролар йиғини ўзини-ўзи бошқариш органининг раиси Соибжон Акрамов, масъул котиб Раъно Мажидова ҳамда диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия маслаҳатчиси Муборак Исаева ташаббусни ўз зиммаларига олиб, саёҳат билан боғлиқ барча масалаларни бир зумда ҳал этишди.

— Аслида ҳар йили маҳалла фаоллари томонидан Ватанимизнинг турли тарихий шаҳарларини зиёрат қилиш мақсадида экскурсия ташкил этилади. Бу сафар маҳалламиздаги аёлларнинг "Самарқандга борсак қанийди", деганларини эшитиб, уларга бу имкониятни яратиш керак, дея ўйлаб қолдик. Ёлғиз аёллар, кам таъминланган оилалар ҳамда ёшларни жамлаб Самарқанд шаҳрининг тарихий обидаларини томоша қилиб, маданий ҳордиқ чиқариб келдик. Дарҳақиқат, бу сафарги саёҳатимиз кутилгандан-да маромли ўтди,- дейди Раъно Мажидова.

Саёҳат давомида маҳалланинг ёшу қариси биргаликда юртимизнинг бой тарихий обидалари билан танишиб, юксак маънавий озуқа олиб қайтишди. Жумладан, улар диёримизнинг гўзал ва навқирон шаҳри Самарқанднинг "Гўри Амир", "Улуғбек расадхонаси", "Шоҳизинда", "Регистон" майдони каби обидалари билан танишдилар. Ва яна бир бор гўзал Ўзбекистонимизнинг бой ва маданий тарихидан фахр-ифтихор туйғусини туйишди.

Ўйлаймизки, бундай саёҳатлар миллий қадриятимиз, бой маънавий маданиятни кенг миқёсда тарғиб қилиш, албатта ёшларимизнинг тарбиясига хизмат қиладиган тарихий қадриятларимизни ўрганиш ва шу орқали ёш авлодни аждодлар меросига садоқат руҳида тарбиялашда амалий ёрдам бўлади.

ЖАРАЁН

ТЎҒРИ СЎЗ

Таъмирталаб маскан

Миллатни миллат, халқни халқ, давлатни давлат сифатида танитадиган энг муҳим омиллардан бири унинг тарихи, ўтмиши, аждодлари қолдирган маданий ва маънавий мероси ҳисобланади. Республикамиз мустақилликка эришгач Президентимиз Ислом Каримов ҳақиқий тарихимизни тиклаш, ўтмиш меросимизни қадрлаш, аждодларимиз номларини эъзозлаш, бетакрор обидаларимизни таъмирлашни биринчи галдаги вазифалар қаторига қўйди. Ҳали кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечилмаган истиқлолнинг илк йилларидаёқ бу эзгу ва савоб ишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда барча вилоятлардаги табаррук қадамжолар таъмирланди, обод этилди. Айни маҳалда ҳам бундай эзгу ишлар давом эттирилмоқда.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўтган йили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги жаҳон микёсида нишонланди. Бу азим шаҳарга келган хорижлик меҳмонлар халқимизнинг, Юртбошимиз раҳнамолигида ўтмиш маданиятини нақадар эъзозлаётганлигини эътироф этдилар. Биргина Шоҳизинда мажмуасида кейинги йилларда қилинган ишлар инсон ақли, унинг мўъжизакор қўллари билан яратилган ҳайратлар қасрининг чиндан-да қайта бунёд этилаётганидан, умрбоқийлик касб этганидан далолат беради, дейишди.

Айни дамда юртимизнинг юраги бўлмиш Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйини муносиб нишонлашга ҳозирлик кўраяпмиз. Шу муносабат билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида мисли кўрилмаган ободонлаштириш, таъмирлаш, қайта қуриш ишлари давом этмоқда. Тарихий обидаларни, қадамжоларни, зиёратгоҳларни аслидай таъмирлаш, янги замонавий биноларни бунёд этиш қизғин давом этмоқда.

— Қашқадарё вилояти Чироқчи туман ҳудудида ҳам 7 та зиёратгоҳ, 5 та тарихий обида мавжуд, - дейди туман кенгаши депутати Фахриддин Умаров.- Вилоят ҳокими 2007 йил 13 декабрда "Лангар ота" тарихий ёдгорлигини таъмирлаш, ободонлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. XV-XVI асрларда бунёд этилган ушбу обида халқимизнинг маънавий мулки сифатида қадр топадиган бўлди. Қарорда белгиланган вазифалар аста-секин амалга оширилмоқда. Насиб этса "Лангар ота" мамлакатимиздаги энг хушманзара, гавжум зиёратгоҳлардан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммади Келдиев диққатимизни Кўктўнли ота Муссаиф Ғози зиёратгоҳига қаратди.

— Бу зиёратгоҳдан маҳаллий аҳоли ва меҳмонларнинг қадами узилмайди. Бироқ биз чироқчиликлар учун уятли томони шундаки, зиёратгоҳ анча кўримсиз, таъмирталаб бўлиб қолган,- дейди "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Баҳодирхон Музаффаров. — Атрофи ҳам ободонлаштиришга муҳтож. Айниқса Афғонистон, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатлардан зиёратчи меҳмонлар келганда хижолат чекамиз. Тўғри, маҳаллий халқ ҳашар йўли билан унча-мунча ишни амалга оширди. Зиёратгоҳга олиб чиқадиган зиналар таъмирланди. Бу ишларни бажаришда маҳаллий тадбиркорлар ҳам ёрдам беришди. Аммо қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами кўпроқ маблағ талаб этади. Ҳомийларнинг жамоат ташкилотларини бошини қовуштиришда маҳаллий ҳокимият ташаббус кўрсатмаяпти. Оқибатда қилинган ишлар режасиз, оддий, кўримсиз бўлиб қолмоқда. Беш чақирим йўлнинг аҳволи эса талабга жавоб бермайди. Шу боис Қашқадарё дарёси соҳилида баҳаво жойда бунёд этилган обида кўримсиз аҳволга келиб қолган. Ушбу обида обод қилинса, Чироқчи ҳудудида яна бир файзли гўша чирой очган бўларди. Ҳамма гап кучларни бирлаштиришда, одамларни сафарбарликка чорлашда. Юртни обод қилишдек муқаддас ишга ҳамма бош қўшиши лозим.

ҚАРОР, ИЖРО, МУАММО

Автомобиль йўллари соҳасини бошқариш тизими

иқтисодиётнинг ўсиши ва аҳоли турмуш даражасининг юксалишида роли катта



Президентимизнинг "Ўзавтойўл" Давлат акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига биноан "Ўзавтойўл" Давлат акциядорлик компанияси умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини давлат томонидан бошқариладиган махсус ваколатли органи ҳисобланади.

Ш.НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

"Ўзавтойўл" ДАК вазифаларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйлаб эркин ҳаракатини таъминлаш, йўл ташкилотларини бошқариш, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш учун ажратилган маблағларни мақсадли сарфланишини таъминлаш киради. Бундан ташқари соҳага оид илмий асосланган техник меъёрларни ишлаб чиқиш, халқаро шартномаларни тузишда иштирок этиш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Автомобиль йўлларини лойиҳалашни бошқариш "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонуни, шунингдек Президентимизнинг 2006 йил 25 октябрдаги "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган. "Умумий фойдаланиладиган йўлларни лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра бу вазифа Республика йўл жамғармаси томонидан "Ўзавтойўл" ДАК билан биргаликда амалга оширилади.

Йўлларни таъмирлаш ва сақлашни бошқариш тизими келтирилган Қонун ва Қарорлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрда қабул қилинган "Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифи уларни таъмирлаш ва сақлаш ишларининг турлари ва таркибини белгилайди ҳамда йўл ишларини ташкил этиш учун асос ҳисобланади.

Автомобиль йўлларини молиялаштиришни бошқариш тизими Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Шунга қарамай автомобиль йўллари соҳасини бошқаришда ўз ечимини тўлиқ топмаган масала ва муаммолар мавжуд. Булар сирасига йўлбўйи минтақасидаги инфратузилма фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш, автомобиль йўлларини бошқариш усулларини такомиллаштириш, миллий стандартлаштириш тизимини яратиш, тармоқ фанини замонавий, иқтисодий шарт-шароитларга мослаштириш, йўл хўжалигига кетган бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш каби бир неча вазифалар киради.

Хусусан, шу жумладан хорижий капиталдан фойдаланган ҳолда молия инвеститция тузилмаларини яратиш, маблағларни бекорга сарфланишини истисно этиш, уларни энг муҳим устувор объектларда жамлаш учун қаратилган йўл хўжалигини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, йўл тармоғи кадрларини тайёрлашни кучайтириш ва бошқа масалалар ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Соҳани бошқаришни ҳуқуқий таъминлаш, автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш, фойдаланиш ва молиялаштиришни бошқариш тизимини уствурликлар, навбатлар ва босқичлар орқали такомиллаштириш иқтисодиётнинг муттасил ва мутаносиб ўсишини таъминлаш ҳамда шу орқали мамлакатимизда янада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш вазифаларини тизимли, изчил ҳал этиш имконини беради.

ОГОҲЛИК

Барчамиз масъулмиз

Шавкат ИБРАГИМОВ,
Шайхонтоҳур туман ИИБ ЁХБ инспектори, майор

Юртимизда ёз фаслининг жазирама кунлари бошланди. Айни шу дамларда оромгоҳларда ўқувчиларнинг дам олишлари қизғин паллага киради. Албатта, ҳар бир дам олиш масканида болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларига пухта тайёргарлик кўрилади. Оромгоҳлар маъмурияти болаларнинг дам олишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш билан бирга кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш ишларига ҳам алоҳида аҳамият бермоқдалар. Жумладан, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш даврида ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш ўринлики, юқорида таъкидланган тайёргарлик чоғида кўпинча майда камчиликлар эътибордан четда қолиб кетади. Агарда бу ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бориб тақаладиган бўлса, уни асло кечиктирмасдан бартараф этиш лозим. Чунки кичкинагина эътиборсизлик ёки носозликдан чиққан учқун катта ёнғин чиқишига олиб келишини ҳаётда кўп гувоҳи бўлганмиз. Шу боисдан Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан дам олиш мавсумини кўнгилсиз ҳодисаларсиз ўтказишга қаратилган иш режалари тузилиб, шу асосда қатор чоратадбирлар ўтказилмоқда ва улар доимий назорат қилиб борилмоқда. Ҳозирги кунга қадар мазкур режа талабларини бажариш ҳамда оромгоҳларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни мукаммаллаштириш мақсадида ёнғин назорати ходимлари томонидан уларнинг ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ ўрганилиб чиқилди. Текширувлар натижасида аниқланган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш бўйича оромгоҳлар раҳбарларига асосли таклифлар киритилди ва уларни ўз вақтида бажарилиши қаттиқ назоратга олинди.

Жумладан, тарбиячи ва болалар билан доимий тушунтириш ишларини олиб бориш, турли викториналар ва суҳбатлар, бурчаклар ташкил этиш, ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналарини тузиб, улар орасида мусобақалар ўтказиш мақсадида оромгоҳларга соҳа мутахассислари бириктирилиб мунтазам равишда амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимиз саломатлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда, қолаверса, болажонларимизнинг оромгоҳлардами, уйимиздами, қаерда бўлмасин, таътилни мароқли ўтказишларида масъул эканлигимизни унутмайлик.

ИСЛОҲОТ

Адлия вазирлиги томонидан миллий қонунчилик ҳужжатлари билан кенг оммани хабардор қилиш мақсадида 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган ягона электрон базаси ахборот дастури яратилди.

Ахборот асри билан ҳамнафас

яшаш мақсадида қонун ҳужжатларининг электрон кўриниши яратилди

Феруз САИДЖОНОВ,
Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси катта маслаҳатчиси

Ахборот дастурига ўзбек ва рус тилларида 1990 йилдан то ҳозирги кунгача республикамизда қабул қилинган қонунлар, миллий парламентимизнинг қарорлари, Ўзбекистон Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари киритилди. Уларнинг сони ҳозирги кунда 18 мингдан ортиқ. Мазкур дастурнинг жаҳон ахборот тармоғи — интернет тизимига уланиши ва ишлаши таъминланди. Унга "Lex Uz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими деб ном берилди. Интернетга киришга имконияти бўлган дунёдаги барча фойдаланувчилар учун Ўзбекистон қонунчилиги билан танишиш имкони мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот қидириш тизими дастури билан Адлия вазирлигининг расмий интернет сайти ёки махсус www.lex.uz сайти орқали танишиш мумкин. Ушбу тизим Адлия вазирлиги раҳбарияти назорати остида ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан вазирликнинг қонунчилик йўналишидаги бошқармаларининг доимий кузатувида ҳуқуқий ижодкорлиги субъектлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда яратилди. Дастур воситасида миллий қонунчилигимиз тарихи билан танишиш, мустақиллик даврида амалга оширилган ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини топиш имконияти мавжуд. Дастур базасида кучини йўқотган ва юзлаб ўзгартиш киритилиб, ҳозирда ҳам амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам кўриш мумкин. Бундай ҳуқуқий ахборот қидириш дастурининг яратилиши давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахсларга, халқаро ва хорижий ташкилотларга Ўзбекистон қонунчилигидан бохабар бўлиш имконини берди. Бундан ташқари, компьютер имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланилгани сари жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва бир қатор бошқа масалаларга оид муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини тез ва сифатли ечиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия тизимида яна бир электрон дастур яратилди. Бу электрон дастур Адлия вазирлиги марказий аппаратининг барча соҳадаги иш фаолиятини ўз ичига қамраб олади. Дастурнинг имкониятлари чексиз. У хоҳ фуқаролар мурожаати бўлсин, хоҳ ҳуқуқий таъсир чорасини кўриш тўғрисидаги ҳужжат бўлсин, аниқ ҳисоботини олиб боради. Мурожаатнинг қабул қилинишидан то вазирликнинг бош архивига топширилгунига қадар бўлган даврни назорат қилиш имкони мавжуд. Шунингдек, ҳар бир қайд этилган ҳужжат дарҳол ҳисоботни тегишли шаклда акс эттиради. Қайд этилиши лозим бўлган ҳужжатлар қай усулда киритилмасин, дастур бу ҳужжатларни автоматик равишда фойдаланувчининг хоҳишига кўра туркумлайди. Шунингдек, дастурдан фойдаланилганда турли журнал, китобларга зарурат қолмайди. Шу заҳотиёқ ҳар қандай ҳужжат тўғрисидаги статистик маълумотларни топиш мумкин.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида "Mikrocoft Access main" дастурида яна бир база яратилди. Дастурнинг афзалликлари шундаки, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг корхонага тегишли бўлган бирламчи ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаммаси, яъни кирим қилинган ҳужжат тўғрисидаги маълумот, юридик шахснинг номи, давлати, вилояти, тури, коди, тўлов идентификация рақами, асосий фаолият тури ва бошқа маълумотлар ҳамда уларга берилган изоҳлар ёрдамида сиз Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган ҳар қандай юридик шахс тўғрисидаги ахборотни олишингиз мумкин.

МАРОСИМ

Оқ йўл, зобитлар

Республика Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида навбатдаги тингловчиларини мустақил ҳаётга кузатиш ва уларга махсус зобитлик унвонларини беришга бағишланган тантана бўлиб ўтди. Мактаб ҳовлиси эрта тонгданоқ битирувчилар, уларнинг ота-оналари, мактаб педагогик жамоаси ва тантанага ташриф буюрган меҳмонлар билан гавжум бўлди.

— Мамлакатимиз ички ишлар идораларини малакали ва етук кадрлар билан таъминлашда мактабнинг ўзига хос ўрни бор,— деди тантанани очилиш маросимида мактаб бошлиғи генерал-майор Матрасул Собиров. — Ишонаманки, бугун қўлларида зобитлик дипломи билан масъулиятли вазифаларга отланаётган битирувчилар мамлакатимиз бойлигини, фуқаролар ҳаёти ва мол-мулкини ўт балоси ҳамда бошқа хавф-хатарлардан сақлашда билим ва маҳоратларини аяшмайди.

Таъкидлаш лозимки, мактаб бугунги замонавий таълим стандартлари даражасида жиҳозланган. Олий техник мактаби ташкил этилгандан буён республика ички ишлар идораларига ва ҳуқуқ-тартибот органларига тўрт мингдан зиёд офицер-кадрларни етиштириб берди. Мактаб педагогика жамоаси ҳам яратилган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ички ишлар сафини етук кадрлар билан таъминлаш борасида жонбозлик билан меҳнат қилмоқда. Ўтган йили мактаб фаолиятининг ўн беш йиллиги муносабати билан бир гуруҳ педагоглар Президентимиз фармонига мувофиқ фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланганлиги ҳам бежиз эмас.

— Беш йил ичида билим ва маҳоратимни ошириш баробарида, катта ҳаётий сабоқ ҳам олдим,— дейди мактабни имтиёзли диплом билан тугатаётган лейтенант Шерзод Келдиев. — Устозларимдан ўрганган билимларим, ўқиш давомида тўплаган кўникмаларим элу юрт олдидаги масъулиятли вазифани адо этишимда дастуриламал бўлади.

Тантанада Республика Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов иштирок этди ва махсус стипендиантлар ва имтиёзли диплом эгаларига дипломларни топширди.

«Туркистон-пресс»

ТАЪТИЛ

"Юлдуз" болаларни чорламоқда

Олтиариқ туманидаги «Юлдуз» болалар дам олиш оромгоҳи биринчи босқичда икки юз нафар болаларни бағрига олди. Туманнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган бу маскан ўзининг мўътадил об-ҳавоси, кишини энтиктирувчи майин шаббодалари билан ажралиб туради. Бунинг учун ҳам ҳар йили ўқувчилар ёзги таътилни мароқли ўтказиш мақсадида бу ерга ошиқади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши, туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигида мазкур оромгоҳда ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта тараддуд кўрилди. Бунинг учун етти миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Оромгоҳда болаларнинг кўнгилли дам олиши, маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилган.

- Болаларнинг бу ердаги ҳар куни мазмунли ўтишига ҳаракат қиляпмиз, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири Рустамжон Валихонов. – Бунда маънавий-маърифий тадбирларимиз муҳим ўрин тутади. Уларга бош бўлаётган тарбиячиларимизни танлаб олишда аввало уларнинг ижодкорлигига, ташаббускорлигига алоҳида аҳамият берганмиз. Ёз мавсумида бу сўлим гўшада 600 нафар олтиариқлик ўқувчи-ёшлар ҳордиқ чиқаришади. Бундан ташқари, тумандаги 2, 6 ва 19-умумтаълим мактабларида 400 нафар ёшларнинг дам олишлари учун кундузги оромгоҳлар ташкил этдик. Шунингдек, тумандаги 18 минг нафардан ортиқ ўқувчи-ёшларни умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган махсус соғломлаштириш гуруҳларига жалб этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Болаларнинг шўх-шодон қийқириқларига тўлган ажиб гўшадаги 1,5 минг китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, компьютер хоналари улар ихтиёрида. Шунингдек, оромгоҳда спорт мусобақаларини ташкил этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун касаба уюшмалари Фарғона вилоят кенгаши томонидан 622 минг сўмликдан ортиқ спорт анжомлари туҳфа қилинди.

Расул КАМОЛ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ўзини-ўзи маҳв этиш қуроли

Ядро қуролидан холи ҳудудлар ядровий қурол тарқатмасликнинг глобал тартибини кучайтириб, глобал ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлайди

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳзод ИСКАНДАР

Сайёрамизда ядросиз ҳудудлар сони тобора кенгаймоқда, аммо жаҳон ҳамжамиятини дунёда оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқаришга уринишлар кўпаяётгани ташвишга солмоқда. Оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши - бу шундай муаммоки, улар бутун инсониятнинг манфаатларига дахл қилиб, келажакка хавф солади. Оммавий қирғин қуроллари турларининг ривожлантирилиши (ядровий, водород, нейтрон, кимёвий, бактериологик ва ҳоказо) шунга олиб келдики, бугунги кунда тўпланган қурол-яроғлар заҳираси инсоният ҳамда сайёрамиздаги мавжудотларни бир неча марта йўқ қилиш учун етарлидир.



Тарихга назар ташласак, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қуролланиш пойгаси авж олдирилди. Сайёрамизда биринчи ядро қуроли 1944 йилда АҚШда ишлаб чиқарилган. Орадан бир йил ўтиб, синовлар Япониянинг Хиросима (6 август) ва Нагасаки (9 август) шаҳарларига атом бомбаси ташланган. Бу инсоният тарихидаги ядро қуролини ҳарбий мақсадда ишлатилган биринчи ва ягона ҳаракат саналади. 1949 йил собиқ иттифоқ ҳам атом бомбасини яратиб, уни синовдан ўтказди. АҚШ 1952 йилда янада даҳшатлироқ оммавий қирғин қуроли – қудрати 10 млн. тонна тротилга тенг водород бомбани яратди. Кейинчалик бирин-кетин ядро қуролларини нишонга етказа оладиган самолётлар, қитъалараро ракеталар, атом сув ости кемалари ҳам яратилди. Шу тариқа инсоният кишилик жамиятига жиддий хавф солишга қодир бўлган оммавий қирғин қуроллари заҳирасини вужудга келтирди.

"Совуқ уруш" даврида ядро қуроли гегемон давлатлар учун кучлар балансини сақлашда керак эди. "Совуқ уруш" тугагач, ҳаммаси тарихда қолди ва совет-америкаининг бир-бирини ядро қуроли билан қўрқитиш доктринаси ҳам якун топди. Ҳарбий-сиёсий қарама-қаршиликларнинг бартараф этилиши, халқаро вазиятнинг умумий яхшиланиши онгли равишда уруш бошланиши хавфини анча камайтирди. Бироқ унинг тасодифан бошланиб кетиш хавфи ҳамон сақланиб қолмоқда. Шу сабабли мутахассислар ушбу глобал муаммо фақат глобал қуролсизланиш ва биринчи навбатда, оммавий қирғин қуролларининг йўқ қилиниши орқали ҳал этилиши мумкинлигини айтишмоқда.

Кузатувчилар фикрича, дунё ядро қуролларидан холи бўлиши учун жаҳон ҳамжамияти оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик режимини қатъиян кучайтириши ва унинг террорчилар қўлига тушиб қолмаслигини таъминлаши зарур. Бу борада ривожланган давлатлар ташаббусни ўз қўлларига олишлари даркор. Энг муҳими, ядро қуролига эга давлатлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганини инобатга олсак, яна бир ҳақиқат англашилади: халқаро миқёсда ядро қуролидан тезроқ воз кечиши керак. Бунда, айниқса, ядродан холи ҳудудларни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ядросиз дунёнинг вужудга келишида ядросиз ҳудудларни яратиш муҳим роль ўйнайди. Бу борада Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 1993 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида дунёда ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қуроляроғ контробандасига қарши биргаликда курашишга оид қатор ташаббусларни илгари сурганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 1997 йил 15-17 сентябрь кунлари Тошкентда ўтган «Марказий Осиё - ядро қуролидан холи ҳудуд» халқаро анжумани бу борада тегишли ҳужжат ишлаб чиқиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришга йўл очди. 2005 йил февралда пойтахтимизда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шартнома лойиҳасининг матни тасдиқланди. Иштирокчи томонлар Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича Тошкент баёнотини қабул қилди. 2006 йилнинг сентябрида эса Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида»ги шартномани имзоладилар.

Мазкур ҳужжатда Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), БМТнинг Ҳуқуқий масалалар бўйича бошқармаси тавсияси ҳамда ядро қуролига эга мамлакатлар билдирган таклифлар ўз ифодасини топди. Учрашув қатнашчилари мазкур шартнома нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун жаҳонда ядровий хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса қўшишини алоҳида таъкидлашди. Ниҳоят, 2009 йилнинг 21 мартидан бошлаб расмий равишда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома кучга кирди. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур ташаббуси БМТнинг фаол иштирокидаги халқаро музокаралар натижасида ядро қуролини тарқатмаслик тизимини яратиш билан муваффақиятли якун топди. Дунё миқёсида ижобий акс-садо бериб, жаҳон жамоатчилиги томонидан қизғин маъқулланган бу улуғвор ишнинг биринчи ташаббускори Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ғоясининг амалий натижасидир. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома минтақамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишдаги, пировардида, дунёда ялпи ядровий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ғоят муҳим қадамдир.

Марказий Осиёдаги беш давлат ядро қуролидан холи ҳудудни барпо этгани ядро қуролини тарқатмаслик юзасидан глобал тартибни яратиш йўлидаги муҳим қадамдир. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳукуматлари имзолаган шартнома ядро қуроли ва унинг компонентларини ишлаб чиқариш, қўлга киритиш ва ёйилиши, шунингдек, ядро қуроли ва унинг материалларини учинчи давлатлар ҳудудига жойлаштириш ва олиб ўтишни таъқиқлайди. Ушбу ҳужжат қарийб 60 миллион киши яшайдиган 3,8 миллион квадрат километрга тенг бўлган ҳудудни қамраб олади. Мутахассислар шартноманинг сиёсий аҳамиятини таъкидлар экан, 1991 йили собиқ иттифоқ тарқалиб кетганидан сўнг Қозоғистонга катта миқдордаги ядро қуроли мерос бўлиб қолгани ва қисқа вақт мобайнида унинг заҳиралари бўйича мазкур мамлакат дунёдаги тўртинчи давлат бўлиб қолганига эътибор қаратди. Қозоғистонда жойлашган Семипалатинск шаҳри эса собиқ иттифоқ даврида ядро қуроли бўйича энг йирик синов майдони эди. Қирқ йилдан кўпроқ вақт мобайнида бу ерда амалга оширилган 450 дан зиёд ҳаво, ер ва ерости ядро портлашлари натижасида 300 минг квадрат километрдан зиёдроқ ҳудуд зарар кўриб, бундан салкам 1,7 миллион нафар аҳоли жисмоний ва маънавий жиҳатдан зарар кўрган.

Яқинда Шимолий Кореяда ўтказилган ядро синовлари ва шунингдек, Эроннинг уранни бойитиш дастури доирасида амалга ошираётган ишлари шундан далолат берадики, дунё янги, ниҳоятда хавфли ядро даври остонасида турибди. Ядро қуроли на ватан ва на миллатга эга бўлган террорчилар қўлига тушиб қолиши эҳтимоли ҳам кучайиб бормоқда. Дунёда оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бораётганлигини инобатга олсак, мазкур хавфнинг олдини олиш, зарур эҳтиёт чораларини кўриш лозимлигини англатади. Хўш, буни қандай ва қай йўсинда амалга ошириш мумкин?

Бугун еттита давлат ядро қуролига расмий эга бўлса-да, уни яратиш устида бош қотираётган давлатлар сони тобора ортиб бораётир. Стокголм тинчлик муаммоларини ўрганиш институти маълумотларига қараганда, 2008 йилда дунё мамлакатлари қурол-яроғ савдоси бўйича рекорд натижани қайд этишган – 1,454 триллион доллар ёки глобал ялпи ички маҳсулотнинг 2,4 фоизини ташкил этган. Бу сайёрамиздаги ҳар бир фуқарога 217 доллардан тўғри келади. АҚШнинг Ироқ ва Афғонистонда олиб бораётган ҳарбий амалиётлари 903 миллиард долларга тушган. 1999 йил билан сотиштирганда мазкур мамлакатнинг ҳарбий харажатлари 67 фоизга ўсиб, 607 миллиард долларга кўпайган. Экспертларнинг фикрича, Хитой ҳам ўтган 10 йилда мудофаага ажратаётган сарф-харажатларини оширган. Маълумотларга кўра, Пекин мазкур мақсадлар йўлида қарийб 84,9 миллиард доллар сарфлаган, глобал харажатларнинг 6 фоизидан иборат. Ушбу кўрсаткич орқали Хитой 4,5 фоиз натижага эга бўлган Франция ва Буюк Британияни ортда қолдирган. Ўтган йили халқаро қурол-яроғ бозорида 15 ривожланган давлатдан иккитаси мудофаадаги чиқимларни камайтирган. Булар Германия ва Япония бўлиб, харажатлар тегишлича 11 дан 1,7 фоизга қисқарган. Умуман олганда, дунё мудофаа харажатларининг 46 фоизи АҚШ, 20 фоизи эса унинг НАТОдаги асосий иттифоқчилари ҳиссасига тўғри келиши айтилмоқда.

Кузатувчилар оммавий қирғин қуролларини камайтириш борасида қарийб 53 йилдан буён фаолият олиб бораётган атом энергияси бўйича халқаро агентлик – МАГАТЭнинг ролини кучайтириш лозимлигини айтишган. МАГАТЭнинг фаолият доирасига атом энергиясидан фойдаланишни назорат қилиш, жаҳоннинг турли мамлакатларида тинчлик мақсадларида атом энергетикасини яратиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, шу соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш каби вазифалар киради. Бироқ айрим давлатларда атом энергиясидан бошқа мақсадларда, жумладан, ҳарбий мақсадларда фойдаланиш хавфи пайдо бўлганида, бу ташкилот зиммасига янада кўпроқ масъулиятли вазифаларни ҳам юклаши мумкин.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Молиявий инқироз: ўсишми ёки пасайиш?

G8 гуруҳининг молия вазирлари Италияда йиғилишди.



Эндиликда жаҳон молия бозорини қай тартибда бошқариш мумкин? Дунё иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар борми? Банклардаги аҳвол қандай? Мазкур масалалар Италиянинг Лече шаҳрида "Катта саккизлик" гуруҳининг молия вазирлари томонидан ўтказилган йиғилишда муҳокама этилган. "Evronews" телеканали хабарига кўра, Буюк Британия вазири Алистер Дарлинг иштирокчиларни бошқарувда бўшашмасликни ва жорий инқироз ҳали бартараф этилишидан узоқдалигини айтган. Бу фикрни Бутунжаҳон банки мутахассислари ҳам тасдиқлаган. Уларнинг маълумотича, 2009 йилда дунё иқтисодиёти 1,7 фоиз эмас, балки 3 фоизга қисқаради. Аммо мазкур маълумотни Бутунжаҳон валюта жамғармаси инкор этиб, эндиликда ҳамма қийинчиликлар ортда қолгани ва бутун дунё бўйича иқтисодий пасайиш ўртача 1,3 фоизни ташкил этиши, 2010 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш кузатилиши билдирилган. Кузатувчилар фикрича, Лечеда расмий баёнотлар кутилмади ва бу "Катта саккизлик" раҳбарларининг июлда ўтказилиши мўлжалланган саммитига тайёргарлик вазифасини бажаради.

Уч босқичли амалиёт

НАТО Косовадаги ҳарбийлар сонини қисқартиради.



Бу ҳақда Брюсселда мазкур альянснинг мудофаа вазирлари иштирокида ўтказилган йиғилишда келишиб олишган. НАТО бош котиби Яап де Хооп Схеффернинг айтишича, Косовадаги бугунги барқарор вазият альянс кучлари фаолиятини ўзгартиришни тақозо этмоқда. Косова мустақиллигини тан олмаган Европа Иттифоқининг бешта давлатидан бири Испания бундай қарорни қўллаб-қувватлаган. Испания мудофаа вазири Карме Чакон минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда яқиндан ёрдам кўрсатаётган мамлакатнинг аксарият ҳарбийлари бир неча ой ичида Косовани тарк этади. Қисқартириш амалиёти уч босқичда ўтказилади. Дастлабки босқичга кўра, шу йилнинг охиригача жами 10 минг ҳарбий Косовани тарк этади. Қолган икки босқич ҳозирча маълум эмас.

Сайловдан кейин

Эронда тартибсизликлар давом этмоқда.

Мамлакатда 14 июнь куни ўтказилган президентлик сайловларида амалдаги давлат раҳбари Маҳмуд Аҳмадинажот 62 фоиз овоз тўплаб, ғалаба қозонган. Унинг сайловдаги рақиби Мир Ҳоссейн Мусави эса 33,75 фоиз овоз билан мағлубиятга учраган. Шунга қарамай, Ҳ.Мусави конституцион назорат бўйича парламент ости органи - конституция қўриқчилари кенгашигага расмий равишда мурожаат қилиб, сайлов натижаларини бекор қилинишини сўраган. Унинг фикрича, сайлов натижалари сохталаштирилган. Маълумотларга кўра, айни пайтда Мир Ҳоссейн Мусави тарафдорлари мамлакатнинг бир нечта шаҳарларида норозилик намойишларини ўтказишмоқда. Тартибсизликлар борган сари оммавий тус олмоқда, ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар ҳам бор.

Интернет хабарлари асосида Шербек ШАРИПОВ тайёрлади


Қадимги Шумерлар

маданияти акс этган шаҳар

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Месопотамиянинг жанубида (ҳозирги Ироқ давлати ҳудудида) жойлашган қадимги Ур шаҳридан топилган ноёб хазиналар бугунги кунда дунё музейларини безаш билан бирга, қадимги шумерликларнинг урф-одати, архитектураси ва минг йиллик тарихга эга бўлган бир қанча ноёб санъат дурдоналарини ҳам дунёга кўз-кўз қилмоқда. Шоҳ қабридан топилган кўп буюмлар асосан соф олтиндан ниҳоятда дид билан ясалгани боис олимлар қадимда металдан буюм ясашда шумерларга ҳеч ким тенг келолмаган дейишмоқда. Дарҳақиқат, қадимги шумерлар металга ишлов беришда юксак даражага эришишган ва бу маҳорат асрдан-асрга мукаммаллашиб борган.



Ур шаҳри дунёдаги энг қадимги шаҳарлар сирасига киради. У эрамиздан аввалги 3 минг йилликда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ур салтанатининг учта подшоҳи юз йилдан ортиқ давр мобайнида Месопотамияни бошқарган. Бу даврда давлат чегараларини мустаҳкамлаш илк бор одат тусига киради. Шунингдек, савдо йўллари очилиб, ҳашаматли сарой ва ибодатхоналар қад кўтариб, шаҳар гуркираб ривожлана бошлайди. Хуллас, ўша олис ўтмишдаёқ шумерлар маданияти тенгсиз даражада ривожланади. Бироқ, инсоният ушбу юксак маданият ҳақида 1922 йилга қадар фақат афсоналардан эшитиб келган. Шумерларнинг қадимги пойтахтида археологик қазилма ишлари олиб борилганидан сўнггина, масала ойдинлаша бошлаган.

Британия университети музейи ва Пенсильвания музейи ходимлари англиялик археолог Леонард Вулли раҳбарлигида қадимги Ур шаҳрида қазилма ишларини олиб боришади. Экспедиция бошидаёқ олимлар у ердан икки мингга яқин сағанани топишади. Бироқ, сағаналар бир хиллиги ва оддийлиги билан археологлар диққатини унчалик ҳам тортмайди. Кейин, маълум бўлишича, ушбу сағаналар остида яна ерости йўллари аниқланиб, у ердан бир қанча сағаналар топилган. Археолог Вуллининг ёзишича, бу сағаналарнинг олдингиларидан фарқи ниҳоятда катта бўлган. Энг хайратланарлиси, тобут ёнига найзалар учи билан ерга қадалган бўлиб, ҳар бир найза орасига лой ва алебастердан ясалган хумча, улар ёнига эса иккита олтин ханжар ва 50 га яқин мис буюмлар қўйилган бўлган. Сағанадаги мўмиёланган жасаддан фақат жигарранг чанг изи қолган холос. Жасад атрофидан эса тилла буюм, тақинчоқлар, тумор ва олтин қалпоқ топилган. Тилла буюмлар ва олтин қалпоқга "Мескаламдуг мамлакат қаҳрамони" деб ёзилганлиги боис, археологлар сағана кимга тегишлилигини аниқлашгану бироқ, у шоҳми ёки тахтга ўтиришга улгурмаган шаҳзодами, аниқ билишолмаган. Леонард Вулли бу ҳақида ўз кундалигида "Агар биз ҳақиқий шоҳ сағанасини кўрмаганимизда эди Мескаламдуг шоҳ бўлган деб ўйлаган бўлардик" деб ёзган.

Археологлар томонидан 1926-27 йилларда яна 16 та шоҳ қабрлари топилади. Улар бир-биридан ниҳоятда ўзгачалиги ва бошқа-бошқа даврларга хослиги билан фарқ қилган бўлса-да, қабрлар ҳудди ер остидаги ҳашаматли сарой каби қурилган бўлган. Афсуски, қабрлардаги буюмлар деярли олдинги даврларнинг ўзидаёқ талон-тарож қилиниб, ўғирланган экан. Шундай бўлсада, археологлар иккита қўл урилмаган сағанани топишга муваффақ бўлишади. Мутахассислар шу вақтга қадар бундай ноёб топилмага дуч келишмаган эди. Экспертлар топилган буюмларни юксак маҳорат ва дид билан ясалганини кўриб, у XIII асрда араблар томонидан яратилган бўлиши мумкин деб тахмин қилишади. Аслида эса бу ноёб топилмалар шумерларга тегишли эди. Эрамиздан аввалги III минг йилликда шундай юксак маданият бўлгани ақл бовар қилмас ҳодисадир. Мутахассислар топилмаларни синчковлик билан текшириб, ҳақиқатан ҳам бу буюмларнинг ёши III минг йилдан зиёд эканлигини аниқлашган.

Мутахассислар қазишма давомида қатор кўмилган жасадларга дуч келишади. Жасадларнинг бир текис қўйилгани, ҳар бирининг белида олтин ханжар бўлгани олимларни ҳайратга солади. Ер тўланинг ичкарисида эса аёлларнинг икки қатор қилиб тахланган жасадларини кўришади. Аёлларнинг бошида олтин тож, бўйнида тилла тақинчоқ, тилла белбоғ бўлган. Тақинчоқларнику санаб адоғига етишмайди. Шундан сўнг археологлар шумерларнинг қадимги мусиқа асбоби ҳисобланган арфани топишади. Арфанинг ёғоч қисми деярли чириб кетган бўлса-да, айрим деталлари олтиндан ясалгани боис у ўз кўринишини йўқотмаган. Унинг ёнида эса арфачининг суяк қолдиғи ва унинг олтин тожи топилган. Қарангки, бу нарсалар ёнида от-араванинг қолдиқлари ҳам бор экан. Бундан ташқари археологлар ерости йўлакларидаги деворда шумерларнинг ҳаёти ва уларнинг маданияти акс этувчи расмларни ҳам топишади. Бу расмлар юксак маҳорат билан чизилганлиги учун ажралиб туради. Шунингдек, ерости қабридан мис ва кумушдан ясалган, 5 кишига мўлжалланган иккита қайиқ ҳам топилган.

Мутахассислар ертўлада ёғочдан ясалган бўм-бўш сандиқни ҳам топишади. Археологлар бу сандиқда шоҳ кийимлари сақланган деб тахмин қилишади. Кейин, бехосдан сандиқ ўрнидан сурилганида, унинг тагида яна ерости йўли борлиги аниқланади. Мутахассислар ушбу ертўлада ҳақиқий олтин сағанага дуч келишади. Унда мўмиёланган аёл танасини қоплаган қатор тилла тақинчоқлар, ажойиб олтин тож ва "малика Шубад" деб ёзилган муҳр топилади.

Малика Шубад сағанаси ёнидан яна ерости йўли аниқланиб, унда ҳам худди шундай ерости сарой, яъни аскарлар, арфа ва арфачи ҳамда буқага ортилган араванинг қолдиқлари топилади. Ушбу олтин сағанадан эса "шоҳ Абарги" номи ёзилган муҳр топилган. Айтишларича, шоҳ Абарги вафот этганидан сўнг малика Шубад ўзини шоҳга яқин кўмишларини истаган ва шу боис еростида иккита ёнма-ён сарой қурдирган. Улар бир-бировига шунчалар ўхшаб кетадики, фақат сағана атрофидаги хизматкор ва тақинчоқларига қараб шоҳ ва малика саройи фарқланган.

Дарҳақиқат, Ур шаҳридаги шоҳ қабрларида қадимда шумерларнинг нафақат дафн маросими намоён этилган, балки уларнинг санъат асарлари бебаҳо бойликлари ва юксак маданияти акс этганини кўриш мумкин.

НИГОҲ

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

Эл ардоғидаги ҳунармандлар

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1997 йил 31 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожи учун кенг имконият яратди. Айтайлик, халқ ҳунармандларининг республика "Ҳунарманд" уюшмаси тузилди. Уюшма томонидан хонадон шароитида юксак бадиий буюмлар ишлаб чиқарувчи халқ ҳунармандларига, уларнинг маҳаллий хомашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

П.ЖУМАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



Кўргазмалар ва кимошди савдоларини ўтказиш, тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, хонадон шароитида бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар даромад солиғидан озод қилингани юқори самара бераяпти.

Фармонда кўрсатилганидек ҳунармандлар даромад ва божхона тўловларидан дастлаб 5 йилга, кейинчалик имтиёзли равишда 2010 йилга қадар озод этилдилар. Меҳнат фаолиятлари суғурталанади. Ижтимоий ҳимоя ва имтиёз воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари кафолатланади. Хусусан, ҳунармандларга меҳнат дафтарчаси очилиб, иш стажи, белгиланади.

— Ҳозирги кунда хонадон шароитида бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган 366 нафар шахс бизга аъзо бўлган,- дейди республика "Ҳунарманд" уюшмаси Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи Абдиқодир Иброҳимов. - Бундан ташқари, тадбиркорларимизнинг анъанавий кўрик-танловига айланиб кетган — "Ташаббус"нинг асосий номинацияларидан бири "Энг яхши ҳунарманд" деб аталиши ва ҳар йили ижодий рақобат асосида ғолибларнинг тақдирланиши, моҳир ҳунармандлар, айниқса уларнинг шогирдлари тақдирида умидбахш аҳамият касб этаётган "Келажак овози" танловида иштирок этишлари, қўллаб-қувватланишлари юксак эътибор, рағбатнинг натижасидир.

Ҳаммасидан мароқлиси, Навоий шаҳар Фарҳод номли маданият саройининг халқ амалий ҳунармандчилиги тўгараги бошлиғи Ирина Кудрявцеванинг 2004 йилда республика "Ташаббус" кўригида ғолиб чиқиб, у ясаган қўғирчоқлар кўрикда "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича Президент совғаси "Матиз" русумли машина мукофотига сазовор бўлди. Шу билан бирга ота-боболаримиздан қолган анъаналар асосида ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, устоз-шогирд мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, етук, малакали ворисларни тайёрлаш ишига устозларга хос саховат, мурувват ва олижаноблик билан жиддий ёндашувга алоҳида аҳамият берилмоқда.



Вилоят уюшмаси қошида "Устоз-шогирд" мактаблари изчил ва фаол ишлаяпти. Эътиборли жиҳати шундаки, ёшларимизда меросий ҳунарларни ўрганишга иштиёқ ҳунармандларга обидаларимиз, иншоотларимизни фойдаланишга берганларидан сўнг янада кучайди, десак хато бўлмайди. Бинобарин, устозларимиз ҳам ғайрат ва шижоат билан ёшларга ҳунармандчиликнинг мураккаб сиру асрорларини ўргатишга астойдил бел боғладилар.

Вилоятда турли ҳунармандчиликнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган сулолалар кўплаб учрайди. Айниқса, мустақил Ватанимизда яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, эл корига яраётган ҳунарманд оилалар бозорларимизни миллий либослар, турли-туман уй-рўзғор буюмлари ва бошқа тайёр маҳсулотлар билан тўлдиришаяпти. Яратганга шукрки, миллийлигимиз акс этган бебаҳо халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатига хорижликларнинг ҳам ишқи тушгани рост.

Кўҳна Кармана тумани мисолида сўз юритадиган бўлсак, бу ҳудудда кўплаб ҳунармандлар сулоласи мавжуд.

— Эсимни танибманки, миллий либослар тикиш, зардўзчилик билан шуғулланаман,- дейди Санобар Ҳамроева. - Кармананинг ўзига хос ҳунармандчилик мактаби яратилган. Масалан, жамалак, кўклама, кулапешак, куроқ ёстиқ кабиларни тикишлар шу кўҳна кентда шаклланган, ривож топган.

Шунингдек, бу ҳудудда тунукачиликни ҳам касб этган ҳунармандлар кўплаб топилади. Айниқса, Карманада уста тунукасоз Абдуллаевлар жуда машҳур. Ҳозир сулоланинг бешинчи авлоди Ҳикмат Абдуллаев ясаб сотаётган маҳсулотлар харидоргир. Ота-бобосидан мерос қолган касбни эъзозлаётган Ботир Норқулов каби ёш усталар хизматидан эл доимо хурсанд. Айниқса, унинг 27 ёшни қаршилашига қарамасдан ёнида шогирдлар тарбиялаётгани таҳсинга сазовор.

— Мен ясаётган карнай, качкарнай, лаган, ҳаво сўргич, самовар, наво каби тайёр маҳсулотлар эл корига яраётганидан хурсандман,- дейди ёш уста.

Навоий шаҳрида ҳам ёш ҳунармандлар мактаби йилдан-йилга ривожланиб бораётир. "Устоз-шогирд" мактаблари фаолияти яхши йўлга қўйилганлиги боис ёш ҳунарманд йигит-қизлар доимо иш билан банд бўлишаяпти. "Ташаббус-2009" кўрик-танловининг шаҳар босқичида иштирок этган ҳунармандлар ясаган тайёр маҳсулотларда қадриятларга муҳаббат мужассамлигини кўриш мумкин. Ёш ва чаққон Феруза Қўзиева тиккан миллий либослар иштирокчилар эътиборини ўзига тортди. Айниқса, миллий либосларда замонавийликни акс эттира олиш қобилияти унда яққол намоён эди.

Яна бир суҳбатдошим, уюшма аъзоси Сожида Нажмиддинова шундай дейди:

— Қўл ҳунармандчилиги санъатини ривожлантириш ниятида "Устоз-шогирд" мактабини ташкил этдик. Ҳунармандчиликнинг барча турларини ўргатаётган мактабда юзлаб йигит-қиз таълим олади. Шаҳарда ўтаётган ҳар бир байрамда уларнинг миллийлик билан уйғунлашган безакларидан фойдаланилаётганини айтиб ўтишимиз жоиз.

Биз тилга олган соҳалар қатори вилоятда тоштарошлик, ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, дурадгорлик, ганжкорлик каби ҳунарлар ҳам ривож топган. Хорижликларни ҳайратга солиб келаётган халқ бадиий ҳунармандчилиги ҳамда амалий санъатини қанча кўзкўз қилсак шунча оз.

Миллий ифтихоримизга айланган соҳа ривожи, унинг довруғ қозонишида ўз самарасини бераётгани айни ҳақиқат.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

"Ниҳол" ўз эгаларини топмоқда

"Ниҳол" мукофоти танлови эстрада, мусиқа, рақс, мумтоз қўшиқ ва опера санъати ижрочилиги соҳасида фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни рағбатлантириб келмоқда.

Танловнинг бу йилги саралаш босқичида Қашқадарё вилоятидан 895 нафар ёшлар иштирок этди. Шундан 300 нафардан ортиқ номзод шаҳар ва туман босқичида ғолибликни қўлга киритди. 65 нафар истеъдодли ёшлар вилоят босқичида қатнашдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра эстрада йўналишида Азиз Баротов (Шаҳрисабз тумани), Акбар Муртазаев (Қарши тумани), Нуриддин Ҳайдаров (Қарши шаҳри), опера ижрочилиги Камолиддин Ражабов (Қарши шаҳри), Санжар Чубаев (Қарши шаҳри), Эргаш Қурбонов (Қарши шаҳри), рақс Лайло Газизова (Қарши шаҳри), Насиба Худойбердиева (Қарши шаҳри), Дилрабо Мейлиева (Яккабоғ тумани), мумтоз қўшиқ Фаёза Валиева (Қарши шаҳри), Шералиев Ҳалимов (Қарши шаҳри), Лазиз Нусратов (Косон тумани), мусиқа йўналишида Лазиз Хўжақулов (Касби тумани), Отабек Самиев (Китоб тумани), Баҳтиёр Санаев (Косон тумани) вилоят босқичи ғолиби деб топилди ва республика босқичига тавсия этилди.

Ғолиблар ва совриндорлар вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармасининг диплом ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Ҳусан БУРҲОНОВ

Кашталарнинг сеҳрли жилоси

Пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида турли вилоят каштачилик мактаблари намуналари жамланган "Ипак иплар жилолари" кўргазмаси ўтказилди. Кўргазма "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Республика, Рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари Ассоциациаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Каштачилик — амалий-безак санъатининг қадимий ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган турларидан бири саналади. Ўзбекистон каштачилик мактаблари ичида Бухоро, Нурота, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Сурхондарё ва Фарғона каштачилик мактаблари алоҳида ажралиб туради.

Кўргазма иқтидорли ёш каштадўзларни қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг бой тарихий меросга эга бўлган анъанавий ва маҳаллий каштачилик мактаблари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли.

Азима ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс"

ТЕАТР

Қўғирчоқлар тилга кирганда



Республикамизда фаолият кўрсатаётган театрлар орасида Хоразм вилоят Давлат қўғирчоқ театри ижодий жамоасининг олиб бораётган фаолияти кўпчилик театр мухлислари олқишига сазовор бўлмоқда. Биз театр раҳбари Даврон Отабоев билан суҳбатда бўлдик.

- Театр ҳақиқатдан ўз томошабини билан тирик. Жамоамиз ҳар бир спектаклни намойиш қилишдан аввал ўсиб келаётган ёшларимизни маънавий дунёқарашини янада кенгайтириш, уларни ўзбекона урф-одат ва анъаналаримизни англашга чақирувчи ва фарзандларимизни эстетик тарбияловчи асарларни танлаб, сўнгра ўз мухлисига ҳавола этишга одатланганмиз. Д.Исмоиловнинг "Қўғирчоқ табассуми" номли класс-концерт дастурини саҳналаштирдик ва томошабинга ҳавола этдик. Асарда Нукулжон Раҳимова, Роҳатой Матёқубова, Гулбаҳор Юсупова, Хурсанд Соипов каби истеъдодли актёрларнинг ижро этган роллари туманлардан ташриф буюрган мактаб ва боғча тарбияланувчиларига маъқул бўлди. Етакчи актёримиз Ю.Юсупов томонидан саҳналаштирилган "Йилдирим" номли комедия жанридаги спектакль ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди. Бу каби асарларимиз бисёр бўлиб, уларни қўшни вилоятларда ҳам намойиш қиляпмиз. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Музработ, Қумқўрғон туманларига бориб, "Мактаб қўғирчоғи" спектаклини намойиш этдик. Шунингдек, вилоятнинг таниқли санъаткорларидан Оғаберди Юсупов, Абдушариф Қурёзов, раққоса Насиба Ражабова ва бошқалар ўзларининг дилрабо қўшиқ ва рақслари билан иштирок этишди. Театр ижодкорлари ҳар йили республика қўғирчоқ театрларининг анъанавий фестивалида иштирок этиб келмоқда. Бу йилги фестивалда театримиз репертуаридан ўрин олган Юрген Цахманнинг "Минг бир кеча тушларига саёҳат" номли янги спектакль томошасини намойиш этишни режалаштирганмиз.

Бундай режаларимиз кўп. Концерт томошаларини намойиш этиб, театр санъатини замон талаблари даражасида ёшлар онгига етказиш учун ҳамиша изланишдамиз.

Мухтасархон КАРИМОВА

ЎГИТ

Ярми умринг чун паришонлик ила,
Қолгани кечгай пушаймонлик била.

* * *

Телбанинг қўлини боғла, йўқса ул —
Тинчимас, юз бир фалокат келтирур.

Жалолиддин РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг кенг кўча Бразилияда жойлашган бўлиб, унинг кенглиги 250 метрга боради.

* * *

Жанубий Америка қитъасида океанга чиқа олмайдиган икки давлат мавжуд. Улардан бири Боливия бўлса, иккинчиси Парагвайдир.

* * *

Дунёдаги энг тоза сувга эга бўлган денгиз Антарктидадаги Уэддела денгизидир.

* * *

Европа қитъасида одам яшамайдиган хилват жойни топа олмайсиз.

* * *

Япония тахминан 3900 оролдан ташкил топган.

* * *

Науру расмий пойтахтга эга бўлмаган ягона давлатдир.

* * *

Кариб ороли давлатлари ичида темир йўлга эга бўлган биргина давлат Кубадир.

* * *

Саудия Арабистони давлати ҳудудидан битта ҳам дарё оқиб ўтмайди.

ТУРФА ОЛАМ

Озгина эътибор ва меҳр кифоя

Канадалик психологлар пластик жарроҳликка рози бўлган аёллар орасида сўровнома ўтказишган.



— Энг аввало, аёлларни бу жарроҳликка мажбур қилган нарса, бу уларнинг ўзларига нисбатан кўпроқ мақтов эшитишни хоҳлаганида,- дейди канадалик психолог Л.Брайн. — Ўтказилган сўровномадан маълум бўлишича, операциядан сўнг 60 фоиз аёл психоэмоциональ кўтаринки руҳни ҳис қилган. Чунки, уларга нисбатан "гўзалсиз", "камчилигингиз йўқ" деб айтилган сўзлар ниҳоятда ёққан. Олимларнинг фикрича, аёлларга қарата кўпроқ "сиз гўзалсиз", "энг латофатлисиз" деб айтилиши уларни мудҳиш хатодан сақлаб қолиши мумкин. Негаки, шифокорлар ҳар қанча сунъийликдан кўра минг бора табиий гўзаллик авфзалдир, дейишмоқда.

Клеопатранинг янги қиёфаси



Фиръавнларнинг сўнггиси бўлмиш Клеопатранинг ҳақиқий кўриниши аниқланди.

Клеопатра — биринчи аёл сиёсатчи, дипломат, математик ҳамда мафтункор, лекин ғоят маккора аёл бўлган. У нимаики истаган бўлса, барига эришган: оташин муҳаббат, якка ҳукмронлик ва беҳисоб бойлик...

Мисршунос олим Салли Энн Эштон Клеопатранинг янги ва умуман ўзгача портретини яратди. Бунинг учун у бир йил давомида Клеопатранинг барча машҳур суратларини, ҳайкал ва ҳатто тангалардаги тасвирини текширди ва солиштирди. Эштоннинг айтишича, у яратган суратда Клеопатранинг ҳақиқий кўриниши тасвирланган.

GPS — локатор

ҳаёлпарастлар учун фойдали қурилма



Бу GPS-ЛОКАТОР қурилмаси нафақат йўқотиб қўйган нарсаларингизни, шу билан бирга, ҳатто адашмаслик учун уйингизнинг манзилини ҳам топиб бера олади. Бунинг учун керакли буюмга қарата қурилманинг тугмасини босишнинг ўзи кифоя, у манзилни эслаб қолади ва стрелка ёрдамида чироқлари тўғри йўналишни кўрсатади. Керакли манзилга 50 метр қолганда кўрсаткич чироғи қизил, 15 метр қолганда кўк рангда ёнади.

Наргиза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

"Кафолат" ДАСК (ОАЖ) Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги KF серияли № 0133217, 0187364, 0204267, 0153997, 0153998, 0153999, 0141408, 0141409 рақамли суғурта полислари бланкалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНСИН.**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-523, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Дилноза ҲАЙИТОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9